ВЛАДИМИР ИЛЬИЧ ЛЕНИННИНГ НОМИ ВА ИШИ АСРЛАР БЎЙИ ЯШАЙВЕРСИН!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 87 (4485)
18 АПРЕЛЬ 1981 й.
ШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

„БУЮК ПОЧИН“ АНЪАНАЛАРИГА САДОҚАТ

• «Қизил шанбалик»да икки кунлик топшириқ бажарилди • Беш йиллик гвардиячилари — ҳаммага намуна • Пландан ташқари ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўпаймоқда

● ЛЕНИН РАЙОНИ

МАЖБУРИЯТДА БЕЛГИЛАНГАНИДЕК

Октябрь революцияси номидаги тепловозвагон ремонти заводининг коллективи жуда кўп яхши анъаналари билан машҳур. Бу анъаналар орасида «Қизил шанбалик»ни қадимий паровознинг гудоги билан бошлаш ҳам бор. Бу сафар ҳам анъанага мувофиқ бу гудокни корхонанинг кекса ишчиси, меҳнат ветерани, шаҳримиздаги дастлабки шанбаликлар қатнашчиларидан Р. Игольников чалади.

... Гудок салмоқли жаранглайди. Дарҳол революция йилларида «Қизил қалъа» деб ном олган корхонанинг барча цехларида иш авжига чиқади. Тепловоз-вагон ремонтчиларининг шиори коммунистик шанбалик куни энг юқори самарадорликка эришиш ва фақат аъло сифатли маҳсулот тайёрлашдир. Улар ўз сўзларини амалда исботлашади. Орадан бир соат ўтганидан кейин шанбаликни ўтказиш штабига ишчи ва хизматчиларнинг зарбдор меҳнатлари ҳақидаги хабарлар кела бошлади.

— Коллективимизнинг 2 мингдан зиёд аъзоси,—дейди завод партия комитетининг секретари А. Леонов,—коммунистик шанбаликда иштирок этди. Дастлабки ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, бугун ишчи ва хизматчиларимиз одатдаги кунларга нисбатан унумли меҳнат қилишди. Шундай бўлиши керак. Чунки бугун—шанбалик!

Корхона меҳнаткашлари бугун битта тепловоз секцияси, битта дизель, битта компрессорни ремонтдан чиқаришди, 20 тонна пўлат қуйма, 2 мингта тормоз колодкаси ва бошқа буюмларни тайёрлашди. Умуман 65 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди.

Коммунистик шанбаликда «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, электрон-техника заводи, метрополитен, Тошкент темир йўли бўлинмаси, 3-таксопарк, бошқа корхона ва ташкилотларнинг коллективлари ҳам унумли меҳнат қилдилар.

Коммунистик меҳнат байрамида районнинг 110 мингдан зиёд аҳолиси иштирок этди. Улар ўз меҳнат жойларида ишлашди ва территорияларни ободонлаштиришда иштирок этдилар. Шанбалик куни 1200 сўмликка яқин маҳсулот ишлаб чиқарилди. Истеъмолчиларга минглаб электр ускуналари, пальто ва плашч, дори-дармонлар етказиб берилди... Уларнинг ҳаммаси социалистик мажбуриятда белгиланганидек, фақат аъло сифатда тайёрланди.

● КИРОВ РАЙОНИ

КЎЧАЛАР ОБОДОНЛАШМОҚДА

Аҳмад Дониш кўчаси бугун эрталабданоқ гавжум бўлди. Бу ерда ободонлаштириш ишлари кенг кўламда олиб борилди. Киров райони комсомол ва ёшлари коммунистик шанбалик куни магистралнинг яшил зонаси бўйлаб йўлка ётқизиш, дарахт кўчатлари ўтказиш, ирригация тармоқларини тозалашни ниҳоясига етказишга аҳд қилишган эди. Белгиланган барча ишлар тушгача бажарилди.

Алоқа электротехника институти студентлари шанбаликда фаол қатнашдилар. Бугун уларни Энгельс ва Жаҳон Обидова кўчаларини ободонлаштиришда, янги телевизион минора қурилишида кўриш мумкин эди. Ҳисоб-кредит техникуми, мактаблар ва ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчилари гулзорлар ва кичик хиёбонлар барпо этишда комсомолларга хос жўшқинлик билан меҳнат қилишди. Уларнинг кучи билан Тимирязев, Хуршид, кўчалари, Ўзбекистон 50 йиллиги проспекти янада гўзал либосга бурканди.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи коммунистик шанбаликда зўр ғайрат кўрсатди— 275 минг сўмлик маҳсулот топширилди. Бу суткалик ўртача нормадан 30 минг сўмлик кўп бўлиб, ҳар учта буюмнинг биттаси Сифат белгиси билан тайёрланди, беш йиллик фондига 5 минг 300 сўм ўтказилди.

Марказлашган юк ташиш трестининг 2505-автоколонна с и ҳайдовчилари ҳам баракали ишлашди. Автомобиль хўжалигининг барча 200 шофери тежалган ёнилги билан ишлаб, 3 минг тонна халқ хўжалик юкларини ташиб беришди.

Кунинг охирига келиб коммунистик шанбаликни ўтказиш бўйича район штабидан дастлабки маълумотлари хабар қилишди —фақат саноат ва қурилиш корхоналари беш йиллик фондига 41,3 минг сўм ўтказишган.

● «Госкомсельхозтехника»нинг Меҳнат Қизил Байроқ орденли тажриба-ремонт механика заводи коллективи умумхалқ байрами коммунистик шанбалида фаол иштирок этди. Ушбу суратда гидропресслар цехининг илғор бригадаси аъзолари (чапдан ўнгга) коммунистик меҳнат зарбдорлари С. Поваренков, Р. Ҳурматуллин, В. Кривошапко, Р. Хабиузин, С. Ибраимов ва бригадир Н. Писчасов тасвирланган. Улар қишлоқ хўжалик ишларида асқотадиган гидравлик пресларни йиғадилар.

М. Нуриддинов фотоси.

● ЧИЛОНЗОР РАЙОНИ

ҲАММА ҒАЙРАТ БИЛАН ИШЛАДИ

Эрта тонгдан Волгоградская кўчаси ва «Халқлар дўстлиги» проспектининг икки томонида меҳнат авжига чиқди. Шу атрофдаги ташкилотларнинг ходимлари ариқларни тозалашди, дарахтларни буташди ва оқлашди. Бўш жойларга гул ва буталар экишди.

Чилонзор кўчалари, боғлари ва хиёбонларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда 65 минг киши иштирок этди.

Саноат корхоналарида, қурилишларда, транспорт ва алоқа ташкилотларида энг юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичлари учун қизғин мусобақа давом этди, иш жойларида 25,4 минг киши меҳнат қилди.

2-пойафзал фабрикаси меҳнаткашлари тежалган материаллар ва хом ашё билан маҳсулот ишлаб чиқаришти. Тахминий ҳисобларга қараганда бу ерда 8 минг жуфт пойафзал ёки 64 минг сўмлик маҳсулот тайёрланади.

Фабрика штабига цехлардан хабарлар келиб турибди: ишлаб чиқариш илғорлари чарм кесувчи М. Холиев, бичувчилар М. Иброҳимова, В. Азегова ва А. Мусаев ҳар соатда инки норма иш бажаришти.

Қўшни электр рўзғор буюмлари заводида социалистик мусобақада гальваник А. Свиридова ва слесарь В. Грекова пешқадамлик қилишди.

«Промсвязь» заводида токарлар А. Локтионов, А. Хошимов, Б. Иштокин бошлиқ слесарь-йиғувчил а р бригадаси аниқ алоқа приборларини бошқалардан тезроқ йиғишяпти. Ҳар бир буюм аъло баҳо олипти.

«Главташкентстрой» автотранспорт бошқармаси ҳайдовчилари ўз машиналарида қурилиш майдонларига цемент, бетон, темир-бетон ташимоқда.

Кун охирида район штабида якун чиқаришди. 300 минг сўмлик саноат маҳсулоти, шу жумладан 150 минг сўмлик кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқарилди. 420 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. 105 минг тонна юк ташилди. 240 тонна темир-терсак йиғиб топширилди.

Чилонзорликлар беш йиллик фондига 90 минг сўм ўтказишди.

● ОКТЯБРЬ РАЙОНИ

ЮКСАК ФАОЛЛИК

«Матбуот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг полиграфия комбинатидаги Зокир Сайфуллин бошлиқ печатниклар бригадаси фахрли ишлаб чиқариш топшириғи олди: КПСС XXVI съезди материалл а р и н и, «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981— 1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари»ни ўзбек тилида чоп этишни тугаллашади. Илғарироқ ишга тушириилган тезкор «РК—84» типидаги босма агрегат кечгача 50 минг босма лист берди. Кунлик топшириқ ортиғи билан бажарилди. Брошюранинг сўнгги бетига «1981 йил 18 апрелда— ленинча коммунистик шанбалик куни ишлаб чиқарилди» деб ёзиб қўйилган.

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида энг юксак меҳнат унумдорлигига эришиш учун бошланган мусобақада «Еттилар ташаббуси» қатнашчиси тўқувчи Машҳура Қодирова кўпчиликка намуна бўлди. Смена охиригача тўқувчи юз килограммга яқин— қарийб икки норма трикотаж газлама берди. Тўқувчилар Шоира Холмуҳамедова, Тамара Молева, Раиса Маткаримова, Елизавета Кириккис ва бошқалар типовой нормадан юқори зичликда ишлашди.

«Ташинжстр о й » » трестининг 900 мутахассиси қурилиш объектларига чиқишди. Кун охиригача Юнусобод массивида 70 метр узунликдаги коллекторни ётқизиш тугалланди.

«Қизил шанбалик»да тежамкорлик фонди ташкил этилганлиги туфайли бугун кўн-мўйна заводи, «Средазэнергоцветмет» бирлашмаси, 20 цех, 62 смена, бригада тўла равишда тежалган материаллар билан ишлади. Пойтахт метрополитенида 400 поезд тежалган электр энергия билан юрди.

Тахминий ҳисобларга қараганда, меҳнат байрамида Октябрь районидаги корхоналар, қурилиш ташкилотлари ва муассасалардан 146 минг киши қатнашди. 670 минг сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди. 170 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

● ҲАМЗА РАЙОНИ

САЛМОҚЛИ ҲИССА

Ҳамза районининг 110 мингга яқин ишчи ва хизматчиси, ўқувчиси меҳнат байрамини «ўз иш ўрнимиз ва яшаётган жойимизда намунали тартиб ўрнатамиз!» шиори билан бошлашди.

«Ташсельмаш» заводида иш тантанали музика садолари билан бошланди. Корхона дарвозаси олдида шу куни, яъни шанбалик куни коллектив тайёрлайдиган маҳсулотлар алвон рангда ёзиб қўйилди. Коллектив 85 минг сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрлади. Ҳамма жойда бўлгани сингари 10-цехда ҳам иш куни қисқа митинг билан бошланди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони пайвандчи М. Мўйдинов ҳамкасбларини унумли меҳнат қилишга ундаб, ўзи биринчи бўлиб топшириқни бажаришга киришди. 15-цехда смена бошланганидан икки соат ўтганидан кейин «Чақмоқ» деворий газетаси пайдо бўлди. Унда КПСС XXVI съезди нинг делегати Ю. Степаненко етакчилик қилаётган бригада қўлга киритилган муваффақият билан табрикланди. В. Шумицкий етакчилик қилаётган комсомол-ёшлар бригадаси ҳам ана шундай табрикка сазовор бўлди.

В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси. Минглаб саломлётсозлар коммунистик меҳнат байрами куни ўз цех ва иш жойларига етиб келишди. Зарбдор вахта давомида слесарь-йиғувчилар бригадасининг бошлиғи В. Киященко, СССР Олий Советининг депутати электр монтажчилар бригадасининг бошлиғи Т. Маклеева, КПСС XXVI съезди делегати слесарь-йиғувчи Н. Маннопов ва корхонанинг бошқа донгдор ишчилари намуна кўрсатишди.

Меҳнат коллективларида бўлгани сингари шу куни кўча, микрорайон, хиёбон ва боғларда ободонлаштириш ишлари қизғин олиб борилди.

— Ленинча шанбалик, — дейди шанбаликни ўтказиш бўйича район штабининг бошлиғи, район партия комитетининг биринчи секретари Ф. Н. Нажмиддинов. — Районимизни намунали районга айлантиришда муҳим қадам бўлди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда 2,5 миллион сўмликдан зиёд иш бажарилди.

● СЕРГЕЛИ РАЙОНИ

КЎТАРИНКИ БАЙРАМ КАЙФИЯТИ

...Қуёш тўқич мосламалар заводининг меҳнаткашларини корхона территорияси алвонранг шиорлар билан қутиб олди. Ушбу байрам кайфияти ҳамма ерда, ҳар бир иш жойида яққол сезилади.

Директор А. А. Аветисовнинг кабинети шанбаликни ўтказиш бўйича ўзига хос штабга айланган. Соат 11 да бу ерда дастлабки маълумот олинди: иш куни бошланганидан бери 220 квадрат метр қуёш тўқич мосламалар ишлаб чиқарилибди.

— Иш кунининг охирига қадар завод меҳнаткашлари яна 300 квадрат метр маҳсулот ишлаб чиқарадилар, — маълум қилишди бизга корхона партия комитетида.

Қуёш тўқич мосламалар заводидан бизнинг Сергели районидаги энг йирик корхоналардан бири —243-граждан авиацияси заводига йўл оламиз. Машинамиз бугун бир мунча ораста бўлиб қолган район кўчалари бўйлаб ўтади. Ҳар ер, ҳар ерда ободонлаштириш ишларини олиб бораётган кишиларга дуч келамиз. Бу —7-таксопарк, ошхона мебеллари заводининг меҳнатчилари, ободонлаштириш бошқармасининг, соғлиқни сақлаш бўлимининг ходимлари, техникум, ҳунар-техника билим юртлари ва мактабларнинг ўқувчиларидир.

243-граждан авиацияси заводига биз корхона меҳнаткашларининг вакиллари тантанали рапорт берётган вақтда етиб келдик: шанбалик куни бир нечта самолёт двигатели ремонтдан чиқарилди, беш йиллик фондига 8 минг сўмдан зиёд маблағ ўтказилди.

Бугун район корхоналарининг барча коллективлари, транспортчилар яхши меҳнат қилишди. Жумладан, Тошкент авиакорхонаси учувчилари — осмондаги 7-таксопарк ҳайдовчилари ердаги барча рейсларни тежаб қолинган ёнилги ҳисобига бажардилар.

Жами шанбаликда район корхоналарининг 11 минг 900 нафар меҳнатчиси иштирок этди, шулардан 10 минг нафари ўз иш жойларида меҳнат қилишди. 684 минг сўмликдан зиёд саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди, 34 минг сўм беш йиллик фондига ўтказилди.

● СОБИР РАҲИМОВ РАЙОНИ

ТАШАББУСКОРЛАР ҲУЗУРИДА

«Районнимизни коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган районга айлантирамиз». Собир Раҳимов районнинг меҳнатчилари шаҳар бўйича ана шундай ташаббус билан чиққан эдилар. Бугунги «Қизил шанбалик» кунида ҳам районнинг ҳар бир меҳнатчиси юксак уюшқоқликни намойиш этмоқда.

200 дан зиёд корхона, ташкилот ва муассаса коммунистик шанбаликда қатнашмоқда. 35 мингдан зиёд киши тонготарда ўзининг иш жойларини эгаллади.

Чиройли транспарантлар, чақирув плакатлари шаҳардаги илғор корхоналардан бири— «Миконд» заводининг цехлари ва бошқа хизмат биноларини безаб турибди. Бу ерда халқ хўжалиги учун керакли бўлган кўплаб маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Корхонада шанбаликка пухта тайёргарлик кўрилди. Кўпгина бригадалар, сменалар, тежаб қолинган хом ашё ва материаллар эвазига ишланмоқда. «Компрессор», чинни буюмлари заводлари, «Турист» комбинати, «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа корхоналарнинг коллективлари ҳам байрам кайфияти билан меҳнат қилмоқдалар.

Меҳнат байрами жараёнида бугун 890 минг сўмлик маҳсулот албатта ишлаб чиқарилиши аниқланди. Тежаб қолинган хом ашё эвазига 180 минг сўмлик буюм тайёрланади, 85 минг сўм пул беш йиллик фондига ўтказилади. Буларнинг ҳаммаси, бир куннинг ўзида давлат 13 компрессор, 140 минг биллур ва чинни буюмлари, 10 та ётоқ мебель термалари, кўпгина бошқа хил маҳсулотларни қабул қилиб олажагини англатади.

Қурилиш майдонлари ҳам ўзининг меҳнат жараёни билан қизғин ва файзли бўлиб турди. Энг муҳими ишга тушириладиган объектларга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу ерда тонг саҳардан бошлаб 125 самосвал, 5 бульдозер, 20 та «Белорусь» трактори, 12 та автогрейдер, кўплаб техника воситалари жанговар ҳолга келтирилган эди.

Корхоналар ва муассасалар территорияларни ва уларнинг атрофидаги кўча ва майдонларни ораста қилиш борасида катта ишлар олиб борилмоқда. 41 минг 500 та дарахт ниҳоли ўтказиш учун чуқурчалар қазилди, кўплаб буталар ўтказилди. 40 минг погон метр атрофида ирригация тармоқлари тозаланди, барча қурилиш ва маиший ахлатлар чиқариб ташланди.

Бугун районнинг чиройи очилиб, кўркамлашмоқда. Иш давом этмоқда...

● ФРУНЗЕ РАЙОНИ

ОЛИЙ СИФАТ БИЛАН

1-пойафзал фабрикасида юқори меҳнат жараёни ҳукмронлик қилиб турибди. Бу ерда бугун тежаб қолинган материаллар ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Кунинг охирига бориб 10 минг жуфтдан зиёд юқори сифатли пойафзал тайёр бўлади.

Илғорлар ҳаммага намуна бўлишмоқда. КПСС XXVI съезди делегати Фарида Аҳмедова смена топшириғини 160 процент бажариш ва планга қўшимча 400 жуфт пойафзал ишлаб чиқариш мажбуриятини олган. Фрезерчи Тўлаган Мусаев, тайёрловчи Нина Денисова, Валентина Юнусова ва бошқа ишчилар кунлик нормаларини 1,5 баравар бажаришмоқда. Улар маҳсулотни биринчи тақдимдаёқ топширишяпти.

Абразив комбинатининг коллективи ишида ҳам юқори меҳнат унумдорлиги қайд этилди. Эльбор синтези цехи бугун тежаб қолинган хом ашё ҳисобига ишламоқда. Бу ерда кўпчилик кундалик топшириқни тўла бажариш мажбуриятини олган. Район партия комитетининг аъзоси Валентина Гречко икки смена топшириғини бажаришга сўз берган. Комбинат 30 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаради. Ўн биринчи бўлиб йиллик фондига 5 минг сўм пул ўтказилади.

Тўқимачилик комбинатининг коллективи беш минг погон метрдан ортиқ ип-газлама тайёрлашга бел боғлаган. Бу ерда беш йиллик фондига 32 минг сўм пул ўтказишга аҳд қилинган. Районнинг бошқа корхоналарида ҳам зарбдорона меҳнат давом этмоқда.

Бугун ҳаммаси бўлиб район бўйича 121700 киши ишламоқда. Улар 1 миллион 135 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришмоқда, 16 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришмоқда, 16 минг тонна ҳар хил халқ хўжалик юкларини ортишмоқда ва туширишмоқда, 160 тонна темир-терсак тўпланмоқда, 365 минг сўмлик кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқарилмоқда. Район меҳнатчилари беш йиллик фондига ҳаммаси бўлиб 137 минг сўм пул ўтказадилар.

Ишчилар шанбаликка кўтаринки кайфият билан чиқдилар. Районда 220 цех ва смена, 2200 меҳнатчи тўрт ойлик планни бажариб бўлганлиги қувонарлидир. Улар бугун ҳам социалистик мусобақага файз киритяптилар.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

◆ КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев кеча Кремлда Совет Иттифоқи Қаҳрамони СССР космонавт-учувч и с и В. А. Жонибеков билан тадқиқотчи-космонавт, Монголия Халқ Республикаси граждани Ж. Гуррагчага Совет Иттифоқининг юксак мукофотларини топширди. Космос қаҳрамонларига Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди ҳамда уларга Ленин ордени билан «Олтин Юлдуз» медаллари топширилди.

◆ Тошкент жамоатчилиги Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг назарий ва сиёсий журнали «Узбекистон коммунисти» — «Коммунист Узбекистана»нинг 60 йиллигини тантанали нишонлади.

Кеча В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида бўлган тантанали йиғилишда журнал коллективига «Халқлар дўстлиги» ордени топширилди.

● КУЙБИШЕВ РАЙОНИ

МУНОСИБ УЛУШ

Куйбишев районнининг 32 мингдан зиёд аҳолиси ўн биринчи беш йиллик фондига мунозиб ҳисса қўшиш мақсадида бугун коммунистик шанбаликка чиқди. 15 мингдан зиёд ишчи ва хизматчи саноат корхонасида, 6700 ишчи қурилишда меҳнат қилмоқда, қолганлари эса корхона, мактаб, институт территорияларини ободонлаштиришда иштирок этишяпти. Бир неча соат ўтганидан кейин шу нарса маълум бўлдики, район меҳнаткашлари жуда унумли меҳнат қилишяпти. Шундай бўлиши керак.

Чунки улар шанбалик куни 2 миллион 100 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаш, 40 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини, тежалган материаллардан 128 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаш мажбуриятини олишган. Бу мажбуриятни улар бажаришлари аниқ.

75 минг сўмлик маблағ ўн биринчи беш йиллик фондига ўтказилди. 55 мингдан зиёд дарахт ва гул кўчатлари ўтказилади, 85 минг погон-метр ирригация шахобчалари ремонт қилинади.

...Эрталабки соат 7 да оркестр садолари ленинча коммунистик шанбалик бошланадиганлигидан далолат берди. Иш қизиб кетди. Тошкент трактор заводида меҳнат байрами «Смена топшириғини муддатидан олдин, сифатли қилиб бажарамиз!» шиори остида бошланди.

Расман иш куни соат 8 дан бошланади, деб эълон қилинган эди. Аммо силлиқловчи М. Абдулов соат 7,30 да 60 та ўқ блокини тайёрлаб қўйган эди. Соат 8 дан 15 минут ўтганда мусобақа штабига Е. Жидкий, Г. Черкашин, П. Бойжуманов, В. Бишчев 35 тадан зиёд тракторнинг муҳим қисмларини тайёрлаб қўйганлиги ҳақида хабар келди.

Л. Недорезов етакчилик қилаётган бригада ҳам ишни яхши бошлади. Бу коллектив 50 минутда 15 та шестерняга ишлов берди. М. Норматов етакчилик қилаётган бригада ҳам нормани ошириб бажарди.

Соат 9 дан 15 минут ўтганида бўёқ участкасидаги С. Асадашев етакчилик қилаётган комсомол-ёшлар бригадаси тўққизта тракторни назоратчиларга топширди.

Темирчи В. Толстов шанбалик куни деталларни қирқиш билан шуғулланди. Соат 13 да у 4200 дона болт, 3000 та трактор илгаги тайёрлаб топширқни 125 процент бажарди. Коммунистик шанбалик куни ишчилардан И. Миронов, Н. Скопин, А. Суворов, З. Аргасцев ҳам зарбдорларча меҳнат қилишди.

С. Егоров бригадаси 8 та ўрнига 10 та машинанинг, деталларини тайёрлади.

Соат 12 да И. Прокопенко, С. Бойжигитов етакчилик қилаётган бригадалар смена топшириғини бажаришди.

5 ва 33 цех коллективлари бинодаги маиший хизмат хоналари ва буюмларини бўяш ишларини муваффақиятли уддалаб, вазифани ошириб бажардилар.

А. ПАК.



СУРАТДА: трактор-созлар шанбаликнинг бориши ҳақидаги дастлабки маълумотлар билан таниишмоқдалар.

А. Сидякин фотоси.

● АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОНИ

ЭНГ ЮҚОРИ КЎРСАТКИЧЛАР КУНИ

«Ленинча коммунистик шанбаликни энг юксак меҳнат унумдорлиги билан нишонлаймиз!» —2-автокомбинатнинг 2150 меҳнатчиси бугунги кунни ана шу шиор билан бошлашди. Бу корхона дарвозасидан шаҳар йўлларига 680 та такси чиқди. Уларнинг барчаси тежалган бензин ҳисобига ишламоқда. Ҳайдовчилар бугун 190 минг тўловли километрларни босиб ўтишади, 46 минг сўм даромад олишади. Комбинат цехларида ремонтчилар зарбдорона меҳнат қилишяпти. Улар бир минг сўмлик автобус деталлари тайёрлашга аҳд қилишди. Комбинат меҳнатчилари, шунингдек 400 метр ирригация тармоқларини тозаладилар, территорияни тартибга келтирдилар.

Районнинг қурилиш коллективлари кўтаринки руҳда ишлашяпти. Назарбек кўчасида мактаб биносини бунёд этаётган 12-трестнинг 49-қурилиш бошқармасига қарашли М. Исҳоқов бригадаси смена топшириқларини анча ортиғи билан адо этяпти. В. Хорошвили бригадасининг коллективи ҳам ҳамкасбларидан ортда қолмаяпти.

Умуман, Акмал Икромов районида коммунистик шанбаликда 132 минг киши иштирок этяпти. Шу куни 308 минг сўмлиқдан зиёд саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Шу жумладан, салкам 30 минг сўмлик маҳсулот тежалган хом ашё ва материаллар ҳисобига тайёрланади. Беш йиллик фондига 23 минг сўмга яқин маблағ ўтказилади.

ЭРТАГА—СОВЕТ ФАНИ КУНИ



КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXVI съездига Ҳисобот докладида: «Илм-фанни ривожлантириш— фан-техника тараққиёти асосларининг асосидир» деган эди. Съезд халқ хўжалиги барча тармоқларини фан ва техниканинг илғор марраларига олиб чиқиш вазифасини қўйди.

Республикамиз фанининг намояндалари ҳам халқ хўжалик вазифаларини муваффақиятли бажаришга муносиб ҳисса қўшишяпти.



СУРАТЛАРДА: юқорида— Узбекистон ССР Фанлар академиясининг электроника институти бўлим мудири ўринбосари М. Тўхтаев, илмий ходимлардан М. Қодирова ва Ф. Муҳаммадбоева ўртоқлар янги тадқиқотлар устида иш олиб боришяпти; сейсмология институтининг марказий «Тошкент» сейсмик станцияси навбатчиси И. Гиниятуллин ва катта техник Н. Душаева зилзила марказининг хусусиятларини ўрганмоқда лар.

М. Нуриддинов фотоси.

ШАРТНОМА АСОСИДА

Тошкент ўрмон хўжалиги механизаторлари Бўзсувнинг ўнг соҳилида чинор, қайрағоч ва тол кўчатлари ўтказиш ишларини тамомладилар. Дарахтлар дарё соҳилларини мустаҳкамлайди. Ўрмончилар тупроқ нурашига қарши ишларни Усмон Юсупов номли Янгийўл ишлаб чиқариш аграр бирлашмаси билан тузилган шартнома асосида бажардилар. Соҳилни муҳофаза қилиш тадбирлари амалга оширилиши кўп ерни қишлоқ хўжалик оборотига киритиш имконини беради. Ун биринчи беш йилликда Бўзсув соҳилида ўрмон-мелиорация комплексини барпо этиш ишларини тугаллаш кўзда тутилади. Бирлашма ерларини қарийб 50 километр узунликда қуршаб олган яшил минтақа дарё соҳилларини муҳофаза қилади.

[ЎзТАГ]

Мукофот муборак!

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР Озиқ-овқат саноати министрлигининг бирлашмалари, корхоналари, совхозлари ва ташкилотларининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларини СССР орден ва медаллари билан мукофотлаш тўғрисида.

Ўнинчи беш йиллик топшириқлари ва қабул қилинган социалистик мажбуриятларни бажаришда эришган муваффақиятлари учун **мукофотлансин:**

Ўзбекистон ССРдан Тошкент шаҳри бўйича

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

Гребенникова Анастасия Ивановна — Ўзбекистон ССР озиқ-овқат саноати министрлиги Тошкент тажриба-механика заводининг ишчиси.

Зайнутдинова Ляля Аъзамовна — Тошкент ёғ-мой комбинатининг аппаратчиси.

Зиямуҳамедова Рози — Тошкент «Ўртоқ» кондитер фабрикасининг мастери.

Кандалова Лидия Филипповна — Тошкент шампан винолари заводининг линия оператори.

Қосимов Обид Олимович— «Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмасининг уста нонвойи.

Олейниченко Дмитрий Игнатьевич — «Узплодоовощвинпром» аграр-саноат бирлашмаси раисининг ўринбосари.

Фирсов Василий Викторович — Ж. Обидова номли Тошкент тамаки фабрикасининг фрезерчиси.

Шермуҳамедов Очил — Тошкент шампан винолари заводининг аппаратчиси.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН

Нуъмонов Ҳабибулла Валихонович — Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг секретари.

Толибоев Олтинбек — Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлиги Тошкент картон таралар заводининг ишчиси.

Ҳусанбоев Ориф Мирзаахмедович — Тошкент булка-кондитер комбинати ишчиларининг бригадири.

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Вафоев Абдурасул Вафоевич—«Ўзхлебпром» саноат бирлашмасининг бошлиғи.

Гуржиев Георгий Аркадьевич — «Ташкентпиво» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори.

Константинов Пётр Кириллович—«Ўзрасжирмаслопром» саноат бирлашмасининг бўлим бошлиғи.

Мачхельянц Вера Степановна — Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлиги Марказий конструкторлик-технология бюросининг бўлим мудири.

Насриддинов Неъмат — Тошкент булка-кондитер комбинатининг конфетчиси.

Попова Валентина Николаевна — Ўрта Осиё озиқ-овқат саноати илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик институтининг лаборатория мудири.

Ражабмуҳамедова Светлана Семёновна — «Ташкентпиво» ишлаб чиқариш бирлашмаси 6-пиво заводи ишчиларининг бригадири.

Ратушний Валентин Мефодьевич — «Гипропищепром-3» институти Тошкент филиалининг лойиҳа бош инженери.

Собиров Карим — Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлиги Тошкент тажриба-механика заводининг слесари.

Собитов Тўлқин Ҳамидович — Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг бўлим мудири.

Самохвалов Алексей Семёнович — «Ташкентпиво» ишлаб чиқариш бирлашмаси 6-пиво заводининг слесарь-ремонтчиси.

Стрижикозин Василий Капитонович — Тошкент булка-кондитер комбинатининг бош инженери.

Султонов Худойберди — Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрининг ўринбосари.

Умаров Ғани Қодирович — «Узглавпищеснабсбит» бошқармаси Тошкент марказий ихтисослашган базасининг ишчиси.

Чурилина Надежда Михайловна — «Ташкентпиво» ишлаб чиқариш бирлашмаси 3-пиво заводи ишчиларининг бригадири.

Шомақсудова Эркиной Абдусатторовна — «Ташкентпиво» ишлаб чиқариш бирлашмаси 6-пиво заводининг цех бошлиғи.

Шамсиев Ғофир, Алимуҳамедович — Ўзбекистон ССР халқ контроли комитетининг бўлим мудири.

II ДАРАЖАЛИ МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИ БИЛАН

Гимадутдинова Шафиқа Зинноровна — «Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмасининг уста нонвойи.

III ДАРАЖАЛИ МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИ БИЛАН

Глушак Мария Васильевна — Тошкент шампан винолари заводининг ишчиси.

Зеленова Людмила Алексеевна — Тошкент ёғ-мой комбинатининг аппаратчиси.

Маҳмудов Ҳолбой — Тошкент «Ўртоқ» кондитер фабрикасининг жойловчи-қадоқловчиси.

Тўхтаева Мукаррам Иброҳимовна — «Ташкентвино» комбинати ишчиларининг бригадири.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Агаханянц Армен Тангиевич — «Узплодоовощвинпром» аграр-саноат бирлашмаси бошқармасининг катта инженери.

Алимбекова Равзия Абдуллаевна — «Ташкентпиво» ишлаб чиқариш бирлашмаси Тошкент шиша идишлар заводининг ишчиси.

Ананьева Валентина Васильевна — Тошкент упа-элик фабрикасининг бўлим бошлиғи.

Аносова Валентина Александровна — Тошкент булка-кондитер комбинатининг ишчиси.

Боқиев Ўринбой — Тошкент ёғ-мой комбинатининг ишчиси.

Бурхонхўжаев Холхўжа — Бурхонович — Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлиги Марказий ихтисослашган базасининг директори.

Васильев Игорь Васильевич — «Ташкентвино» комбинатининг слесарлар бригадири.

Ғафуров Абдурашид — «Ташкентпиво» ишлаб чиқариш бирлашмаси 2-пиво заводининг слесари.

Гутовская Феликса Станиславовна — «Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмасининг нонвойи.

Жаъфарова Заҳро — «Ташкентвино» комбинати ишчиларининг бригадири.

Добриднева Валентина Петровна — «Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси.

Иксанов Равиль Минвалиевич — Ж. Обидова номли Тошкент тамаки фабрикасининг машинист-созловчиси.

Исак Анатолий Григорьевич — «Ташкентпиво» ишлаб чиқариш бирлашмаси Тошкент шиша идишлар заводи машина ва ускуналарининг созловчиси.

Исамуҳамедова Фарида — Тошкент «Ўртоқ» кондитер фабрикасининг катта инженер-технологи.

Комилов Абдуқодир — «Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмасининг уста нонвойи.

Каримов Воҳид — Ж. Обидова номли Тошкент тамаки фабрикасининг машинист-созловчиси.

Каримов Шуҳрат Сайдаминович — «Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмасининг техноруки.

Сафиев Қодир Алишевич — «Узпищепромтранс» ишлаб чиқариш бирлашмаси 2-автоколоннасининг кран машинисти.

Султонхўжаев Асадулла Султонович — «Узплодоовощвинпром» аграр-саноат бирлашмаси бошқармасининг бошлиғи.

Тожиева Ойқиз Раҳимжоновна — Тошкент упа-элик фабрикасининг қадоқловчиси.

Тошпўлатов Абдусаид — Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлиги Тошкент тажриба-механика заводининг слесари.

Ҳасанов Йўлдош — «Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмасининг уста нонвойи.

Чухломин Владимир Степанович — Бутуниттифоқ «Оргпищепром» трести Тошкент ихтисослашган монтаж-созлаш бошқармаси машина ва ускуналарининг созловчиси.

Шабанов Виктор Гаврилович — «Ўзпищепромтранс» ишлаб чиқариш бирлашмаси 2-автоколоннасининг автомобиль ҳайдовчиси.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Одилов Солих — «Ташкентпиво» ишлаб чиқариш бирлашмаси 1-минерал сувлари заводининг ишчиси.

Олимова Назира — Тошкент булка-кондитер комбинатининг конфетчиси.

Отауллаев Азиз Ҳабибович — Ўрта Осиё озиқ-овқат саноати илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик институти директорининг ўринбосари.

Бялолова Таисия Васильевна — Тошкент ёғ-мой комбинатининг аппаратчиси.

Богоявленский Василий Федорович — Тошкент ёғмой комбинатининг бош энергетиги.

Болтаева Салима —«Ташкентвино» комбинатининг линия оператори.

Бузрукхонова Жамила Қодирхоновна— Тошкент «Ўртоқ» кондитер фабрикаси қоғоз ўраш машинасининг машинисти.

Камолова Ҳабиба Тугалбоевна — Қибрай пиво-алкоголсиз ичимликлар комбинатининг ишчиси.

Кожевников Юрий Александрович — Тошкент булка-кондитер комбинатининг бисквитчиси.

Колесова Ирина Ивановна — «Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмасининг нонвойи.

Кудашев Владимир Исаевич — Тошкент «Ўртоқ» кондитер фабрикаси машина ва ускуналар созловчиси.

Муталов Мансур Содиқович — Тошкент булка-кондитер комбинати ишлаб чиқариш мудири.

Назаров Ўктам — Тошкент упа-элик фабрикасининг слесари.

Попова Майя Александровна — Ж. Обидова номли Тошкент тамаки фабрикасининг бош технологи.

Пўлатова Хатира — Тошкент «Ўртоқ» кондитер фабрикасининг конфетчиси.

Пирина Людмила Михайловна — Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг техник секретари.

Раҳмонов Тўйчи — «Узпищепромтранс» ишлаб чиқариш бирлашмаси 2-автоколоннасининг автомобиль ҳайдовчиси.

Ризаева Екатерина Григорьевна — «Ташкентпиво» ишлаб чиқариш бирлашмаси 3-пиво заводининг аппаратчиси.

Содиқова Риҳси Ҳайдаровна — «Ташкентпиво» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси.

Семченко Елена Кирилловна — Тошкент упа-элик фабрикасининг ишчиси.

Тараданов Андрей Дмитриевич — Тошкент шампан винолари заводининг ишчиси.

Тўхтамуродов Исмоил — Тошкент ёғ-мой комбинати ишчиларининг бригадири.

Эрматов Зуриддин — «Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмасининг уста нонвойи.

СССР Олий Совети Президиумининг раиси
Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1981 йил, 17 март.

• Пропагандист ва тингловчиларга ёрдам

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ ВА МАТЕРИАЛЛАРИНИ ЎРГАНИШГА ДОИР

3-ТЕМА. **Совет жамиятини социал-сиёсий ва маънавий жиҳатдан ривожлантириш ҳамда партиянинг вазифаси.**
(Бу тема юзасидан 2 машғулот ўтказиш мақсадга мувофиқдир).

1-машғулот.

1. **Совет жамиятининг социал-синфий структурасини ривожлантириш ва синфсиз жамиятнинг таркиб топиши.**

2. **Миллий муносабатларни ривожлантириш.**

Биринчи масалани кўриб чиқиш пайтида шуни таъкидлаш керакки, экономика социал вазифаларни ҳал этиш учун замин яратиб беради. Шу билан бирга экономикани интенсив ривожланиш йўлига ўтказиш социал структуранинг ривожланишига, миллий муносабатларнинг ривожланишига, инсоннинг ўз камолатига боғлиқдир. Социал вазифаларни ҳал этишнинг иқтисодий тараққиётга таъсири ҳақида мисол қилиб шуни келтириш мумкинки, янги қурилган корхона турар жой ва маданий-маиший қурилиш планларининг бажарилмаслиги натижасида тўла қувват билан ишлай олмайди.

Шу муносабат билан Ўртоқ Л. И. Брежнев шундай деган эди:

«Корхоналарни, шаҳар ва қишлоқларни социал ривожлантиришга ажратилган маблағлардан ўз ўрнида, тўла ва белгиланган муддатларда фойдаланиш, унинг устидан эса қаттиқ назорат ўрнатиш лозим. Янги саноат объектлари ишга туширилганлиги ҳақида жойлардан олинадиган рапортларда, одатда у ерда ишлайдиган одамлар учун нималар қилинганлиги, қанча уй-жой, болалар боғчалари, кутубхона ва профилакторийлар қурилганлиги ҳақида ҳеч нарса дейилмайди. Келинг, келишиб олайлик, — бундан кейин объектда планда кўзда тутилган уй-жой ва маданий-маиший муассасалар қурилиш программаси ҳам бажарилган тақдирдагина бундай рапортлар ҳақиқий, деб ҳисоблансин. Съезд масаланинг шу тарзда қўйилишини қўллаб-қувватлайди, деб ўйлайман».

Шунинг учун ҳам КПСС Марказий Комитети совет жамиятининг социал-синфий ва миллий структурасини ривожлантириш масалаларига, социалистик турмуш тарзини, давлат ва демократияни такомиллаштиришга муттасил эътибор бермоқда.

Совет жамияти социал-синфий структурасининг съезддаги таҳлилини очиб бераётганда шуни таъкидлаш керакки, жамият синфий тафовутларни йўқота боришда дадил олга бормоқда. Ишчилар синфи ва колхозчи деҳқонлар ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар уларни ўзаро яқинлаштирмоқда. Чунки колхозчиларнинг меҳнати индустриал меҳнат кўринишига айланиб бормоқда. Уларнинг билим савияси ошиб бормоқда. Социалистик мулкчиликнинг икки формаси яқинлашмоқда. Колхозчиларнинг меҳнатини ташкил этиш ва унга ҳақ тўлаш, социал таъминот системаси ҳам уларни ишчиларга яқинлаштиряпти. Буларнинг барчаси ишчи билан деҳқон социал аҳволидаги тафовутни йўқотишга олиб бормоқда.

Шу жараён билан узвий боғлиқ сўръатда шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги жиддий тафовут йўқолиб бормоқда.

Бунда қишлоқларнинг қайта қурилиши, янгиланиши, обод қилиниши муҳим роль ўйнайди. Ҳозирнинг ўзидаёқ янгича меҳнат характеридаги, замонавий турмуш талабларига жавоб берадиган колхоз ва совхозлар кўп. Уларда шаҳарга хос қулайликлар қишлоқ ҳаётининг хусусиятлари ва талаблари билан уйғунлашиб кетмоқда.

Интеллигенциянинг тез ўсиши илмий-техника тараққиёти, ишчи ва колхозчиларнинг билими ва маданияти ошиб бориши билан боғлиқдир. Интеллигенция мамлакатимиздаги барча ходимларнинг тўртдан бир қисмини ташкил этади. Бир вақтнинг ўзида ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги тафовут йўқолиб боряпти. Бу шунда кўринадики, ишчи ва колхозчиларнинг меҳнати интеллектуал мазмун билан тобора тўлиб боряпти, уларнинг билими ва маданий савияси ошяпти, уларнинг кўпчилиги рационализатор ва ихтирочилар, мақола ва китоблар муаллифлари, давлат ва жамоат арбобларидир.

Бу жараёнларнинг таҳлили синфсиз жамиятга ўтиш борасидаги бизнинг тасаввурларимизни конкретлаштирадиган ва аниқлаб берадиган муҳим назарий хулосанинг асоси бўлиб хизмат қилди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев буни қуйидагича таърифлади:

«Жамиятимизнинг сўнгги ўн йиллик ичидаги тараққиёт тажрибасига баҳо берар эканмиз, жамиятнинг синфсиз структураси асосан ва бошлича етук социализмнинг тарихий доирасида вужудга келиб боради, деб таҳмин қилиш мумкин, деб ўйлайман.

Бу жараёнинг етакчи кучи унинг Маркс ибораси билан айтганда, «социал ақли ва социал юраги» ҳозирги замон ишчилар синфи бўлди ва шундай бўлиб қолаверади. Унинг революцион идеологияси ва ахлоқи, коллективчилик психологияси, манфаатлари ва идеаллари ҳозир совет жамиятидаги барча қатламларнинг мулкига айланиб бормоқда».

Шуни таъкидлаш керакки, бу хулоса марксизм-ленинизм классикларининг социализмни синфсиз жамият сифатида тасаввур этганликларига мосдир. (В. И. Ленининг тўла Асарлар тўплами, 39-том 277, 279-бетлари).

Синфий тафовутларнинг йўқолиб бориши партиямизнинг социал сиёсати олдига янги вазифалар қўяди. Унда жамиятимиздаги ҳар бир группанинг хусусиятлари ва манфаатлари жуда эътибор билан ҳисобга олишни талаб этувчи проблемаларни ҳал этишга тобора кўпроқ ўрин берилади.

Шундан сўнг социал тафовутларга ва территориал жиҳатдан социал тафовутларни йўқотиш йўлларига тўхталиб ўтиш керак. Шунингдек, самарали демографик сиёсатни амалга оширишга жиддий аҳамият берилмоқда. Хотин-қизлар, ёшлар, пенсионерларга ғамхўрлик қилиш кучаймоқда.

Территориал пландаги социал тафовутлар ҳақида гапирганда шуни таъкидлаш керакки, масалан Ўрта Осиёда ва бизнинг республикамизда айниқса қишлоқда ортиқча ишчи кучи бор. Шунинг учун ҳам съездда шундай вазифа қўйилди: бу жойларнинг аҳолисини янги территорияларни ўзлаштириш учун активроқ жалб қилиш, шунингдек бу ерда халқ хўжалиги учун зарур ишлаб чиқаришларни ривожлантириш, туб миллатдан, аввало қишлоқ ёшларидан малакали ишчилар тайёрлашни кенг йўлга қўйиш лозим.

Шу ўринда Ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг Ўзбекистон Компартияси XX съездида қилган докладидаги мамлакатнинг турли районлари, шу жумладан Ўзбекистоннинг хусусиятларини партия ўз сиёсатида қандай ҳисобга олаётгани ҳақида тўхталиб ўтган қоидани келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ.

«Маълумки, Ўзбекистон аҳолиси табиий жиҳатдан жуда тез ўсиб бораётган республикадир. Прогнозларга кўра, 1990 йилда республика аҳолисининг сони 22 миллион кишига етади. Демак, иш жойларини анча кўпайтириш, малакали кадрлар тайёрлашни кенгайтириш талаб қилинади.

Шу муносабат билан индустриямизни ҳар жиҳатдан ривожлантириш тўғрисидаги, меҳнат ресурслари жамланган жойларда корхоналар ва уларнинг филиалларини ташкил қилиш тўғрисидаги масала ўткир масала бўлиб туради. Бу— муҳим иш бўлиб, иқтисодий жиҳатдан жуда фойдали, истиқболлидир, бизнинг шароитларимизда эса катта социал аҳамиятга ҳам эга бўлган ишдир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика ҳукумати кичик шаҳарларда, поселкалар ва район марказларига янги ҳаётий омил бахш этиш йўлидаги биронта ҳам қимматли ташаббусни эътибордан четда қолдирмадилар. Ўнинчи беш йилликда 290 та филиал ва цех ташкил қилинди, уларда салкам 30 минг киши меҳнат қилмоқда, йилига 300 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилиши таъминланди.

Жойлардаги партия ва совет органлари, Госплан, меҳнат масалалари билан шуғулланувчи давлат комитети, министрликлар ва идоралар хўжалик соҳасидаги ташаббуснинг, истиқболни кўра билишнинг амалдаги ифодаси бўлган мана шу ишни янги беш йилликда ҳам давом эттиришлари зарур».

Иккинчи масалани кўриб чиқишга ўтганда, энг аввало партиямизнинг миллий сиёсати тарихий ютуқларига тўхталиш— лозим. Бу сиёсат шунга олиб келдики, бизда қолоқ миллий ўлкалар йўқ. Мамлакатда миллат ва элатларнинг амалдаги тенглигига эришилди.

Кўп миллатли она-Ватанимиз барча халқлари қардошларча дўстлигини мустаҳкамлаш асосида ана шу тенглик ётади. Партия миллат ва элатларнинг тенглигидан келиб чиқиб, ўзининг миллий сиёсатида ҳар бир республиканинг моддий ва маънавий потенциалини ривожлантириш ва шу билан бирга бутун мамлакатни гармоник ривожлантиришда бундан максимал фойдаланиш йўлини тутмоқда.

Мисол тариқасида Совет Ўзбекистонининг ривожланишини, унинг муваффақиятларини келтириб ўтиш мумкин. Бунда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Ўзбекистон Компартияси XX съездига Ҳисобот докладидан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ҳисоботи юзасидан съезд қабул қилган резолюциядан мисоллар келтириш лозим.

Совет халқи —янги социал ва интернационал бирлик таркибига кирган, мамлакат халқларининг дўстлиги— мустаҳкам интернационал бирликка айланди.

Шу билан бирга шуни таъкидлаш муҳимки, юздан зиёд миллат ва элат кишилари яшаётган ва меҳнат қилаётган катта, кўп миллатли давлат —Совет Иттифоқининг динамик ривожланиши партиянинг диққат-эътиборини талаб этадиган анчагина проблемаларни ҳам туғдирмоқда. Съездда шу нарса таъкидландики, кадрлар сиёсатида иттифоқдош республикалар аҳолисининг кўпмиллатли составини ҳисобга олиш даркор. Шунингдек, туб миллатдан бошқа миллатлар гражданларининг тили, маданияти ва турмуши соҳасидаги ўзига хос эҳтиёжларини ҳисобга олиш лозим.

Мамлакатимизда миллий ҳиссиётлар, ҳар бир кишининг миллий қадр-қиммати ҳурмат қилинади. Шунинг учун ҳам партия миллий хусусиятларни атайлаб йўқота боришга қаратилган тенденцияларга қаршидир. КПСС социализм табиатига ёт бўлган шовинизм ёки миллатчилик кўринишларига қарши, ҳар қандай миллатчилик оғмачиликларига қарши ҳамма вақт курашиб келди ва курашажак.

Партиямиз миллий сиёсатини очиб берувчи қўшимча материаллар, шунингдек «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари»да айниқса II- ва X- «Ишлаб чиқарувчи кучларнинг жойлаштирилиши. Иттифоқдош республикаларни иқтисодий ва социал ривожлантириш» бўлимларида) бор.

• *Пропагандист ва тингловчиларга ёрдам*

«ДУМАЛОҚ СТОЛ» АТРОФИДА УЧРАШУВ

Кеча Тошкент шаҳар партия комитети қошидаги марксизм-ленинизм университетида КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академиясининг сиёсий иқтисод кафедраси раҳбари, иқтисод фанлари доктори Л. И. Абалкин ва СССР Фанлар академиясининг социологик тадқиқотлар институти бўлим мудири, фалсафа фанлари доктори Ф. Р. Филиппов билан республика пойтахтининг саноат корхоналарининг раҳбарлари ва олимларининг учрашуви бўлиб ўтди.

«Думалоқ стол» атрофида мамлакатимиз иқтисодий механизмини такомиллаштириш, саноат потенциалини ошириш, корхоналар ишини яхшилаш халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида ижтимоий омилларнинг ролини ошириш ҳақида суҳбат бўлди.

Тўпланганлар меҳнат унумдорлигини ошириш, экономикани интенсивлаштириш, хом ашё, материал, энергетика ресурсларини қатъий тежаш, социалистик мусобақани ташкил этиш, кадрлар қўнимсизлиги қарши кураш, қунар-техника таълимини такомиллаштириш йўллари ва бошқа масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Л. И. Абалкин ва Ф. Р. Филиппов тўпланганларнинг кўплаб саволларига жавоб бердилар.

Учрашувда Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин иштирок этди.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

РЕКОРД ҚЎЙИЛМОҚДА

ГАВАНА. Шакарқамиш ўрадиган яна бир бригада— Хесус Суарес номли бригада беш миллион арроба шакарқамиш ўрганлиги тўғрисида рапорт берди. «Гранма» газетасининг ёзишича, бу йилги ўрим давомида 856 коллектив давлатга бир миллион арроба ва бундан ҳам кўпроқ (бир арроба—11,5 килограмм) шакарқамиш топширди.

Кубада шакарқамиш ўриш ҳал қилувчи босқичга кирди. Ўрувчилар апрель ойининг қолган кунларида шакарқамиш ўриш ва уни қайта ишлашнинг юксак суръатларини сақлабгина қолмай, шу билан бирга кунлик иш унумини оширишга ҳам интилмоқдалар. Бугунги кунда миллий экономиканинг етакчи тармоғи бўлган қанд саноати ходимларининг кўп минг кишилик коллективи шакарқамиш ўримини қулай муддатларда тугаллаш, бу ишни нобудгарчиликка йўл қўймай ўтказиш шиори остида меҳнат қилмоқдалар.

«КОЗЛОДУЙ» КЕНГАЙИБ БОРМОҚДА

СОФИЯ. Совет Иттифоқидан Козлодуйдаги Болгария атом электростанциясига 440 минг киловатт қувватли тўртинчи реактор келтирилди. Болгариядаги дастлабки АЭС кенгайтирилмоқда.

«Козлодуй» АЭСи Болгария энергетика комплексида муҳим ўрин эгалламоқда. Республикада ҳосил қилинаётган бутун электр энергиясининг қарийб 20 проценти ҳозирдаёқ ана шу станция ҳиссасига тўғри келмоқда.

Атом энергетика қувватларини тез ўстириш —БХР бутун энергетикасини ривожлантиришнинг стратегик йўналишидир. Социалистик мамлакатлар ҳамдўстлигининг шу сохадаги узоқ муддатли тармоқ программаси ана шу вазифани муваффақиятли равишда амалга оширишнинг мустаҳкам ва ишончли негизидир.

Совет Иттифоқи билан шу программа доирасида ҳамкорлик қилиш Болгария учун ғоят муҳим аҳамият касб этади. СССР станцияни лойиҳалаш, қуриш ва таъминлашда, АЭСнинг мураккаб агрегатлари узлуксиз ишлашини таъминлаётган юксак малакали мутахассислар тайёрлашда қардош республикага катта ёрдам бермоқда.

САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК

ХАНОЙ. Вьетнам Миллат мажлисига ва халқ ҳокимиятининг маҳаллий органларига ўтказиладиган сайловга сиёсий активлик вазиятида ҳозирлик кўрилмоқда. Овоз бериладиган кунга икки ҳафта қолди. Мамлакат шаҳарлари ва вилоятларида сайловчиларнинг депутатликка номзодлар билан учрашувлари ўтказилмоқда. Ханойнинг Хоанкием районида 1-пойтахт сайлов округидан мамлакат миллат мажлисига овозга қўйиладиган ВСР ҳукуматининг Бош министри Фам Ван Донг билан учрашув бўлиб ўтди. ВСР ҳукуматининг бошлиғи Вьетнамдаги социалистик қурилиш иши учун демократияни янада ривожлантириш муҳимлигини таъкидлади.

Ҳиндистон янгиликлари

Оммавий ишсизлик —Ҳиндистондаги қийдирий социал-иқтисодий проблемадир. Ўтган йилнинг декабрь ойида, дейилади планлаштириш, меҳнат министрлигининг 1980—1981 йилларидаги фаолияти тўғрисида бу ерда эълон қилинган докладида, меҳнат биржаларида рўйхатга олинган «ортиқча кишилар» сони 16,2 миллионга етган. Майда миллатлар намояндалари олдида иш топиш муаммо бўлиб турибди, дейилади ҳужжатда.

• • •

Мамлакат химия ва фармацевтика саноати ишчилари ҳамда касаба союз бирлашмалари намояндаларининг бу ерда ниҳоясига етган Умумҳиндистон конференциясининг қатнашчилари Ҳиндистондаги кўп миллатли фармацевтик корпорацияларининг филиалларини ва хусусий компанияларни дарҳол национализация этишни талаб қилдилар. «Стейтсмен» газетасининг хабар беришича, конференция резолюциясида Ҳиндистонда сотилаётган барча дориларнинг 78 проценти қиммат турадиган ва кўпинча текшириб кўрилмаган дори-дармонларни етказиб берувчи кўп миллатли фармацевтика корпорациялари қўлидадир.

• • •

Ҳиндистон темир рудасининг экспорти йилига 16 миллион тоннага етди. Олтинчи беш йиллик (1980—1985 йиллар) охирига бориб, темир рудасини экспорт қилишни 19,5 миллион тоннага етказиш режаластирилмоқда, «Экономик таймс» газетаси ана шуни хабар қилди.

• • •

Ҳозирги вақтда Ҳиндистонда, деб хабар қилди давлат энергетика министри В. Махажан парламентда, 261 минг қишлоқ — мамлакатдаги жами қишлоқларнинг қарийб 45 проценти электрлаштирилган. Электр Панжоб ва Харяна штатларидаги аҳоли пунктларига, Деҳли иттифоқ территорияларига, Чандиргарх ва Пондишерига етиб борди. Иқтисодий жиҳатдан суст ривожланган шимоли-шарқий районларни электрлаштириш суръатларини жадаллаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

• Инсон одоби билан

КАМТАРЛИК — ОЛИЙЖАНОБ ФАЗИЛАТ

Медицина фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби Муҳаммаджон Комиловнинг номи кўпчиликка таниш. У киши бошқараётган Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг кўз касалликлари кафедраси Ўзбекистонда кўзи ожизликнинг олдини олиш ва даволаш бўйича эришилаётган ютуқларни республиканинг ҳамма томонида жорий этмоқда.

Бу зиёкор-олим ҳақида гап борганда, у кишини дилкаш, камтарин, инсонга меҳр-оқибатли шифокор сифатида ҳам таърифлайдилар. Шу сабабли Муҳаммаджон Комилов билан инсон фазилати хусусидаги суҳбатни бугун Сиз ҳурматли оқшомхонлар эътиборига ҳавола қиламиз.

— Ҳурматли Муҳаммаджон Комилович, биз Сизни қанчаданқанча одамлар кўзига нур бериб, уларни ҳаётга йўллаётган бир олийжаноб инсон сифатида биламиз, ҳурмат қиламиз. Лекин, бугунги суҳбатимиз зиёкорлик илмингиз тўғрисида эмас, балким кишидаги олийжаноб фазилат — инсонийлик хусусида суҳбатлашмоқчимиз. Бунга сабаб, кўп йиллик кузатувимиз, юзлаб беморлар билан қилган суҳбатимиз бўлди. Жуда кўпчилик, шахсан қўл остингиздаги ходимлар Сизни камтар, дилкаш, сезгир, меҳрибон ва ғамхўр инсон сифатида, шу билан бирга талабчан ва принципал, халқ манфаати йўлида тиним билмайдиган бир раҳбар ходим сифатида таърифлайдилар. Айтингчи, инсондаги камтарлик, меҳрибонлик, кишиларга ҳурмат, ишонч, қадр-қиммат қандай шаклланади ва улар нимадан билан белгиланади?

— Бу саволингиз кишини бир оз босиқроқ бўлиб, чуқур ўйлаб гапиришга мажбур этади. Сиз айтган инсондаги бу фазилатлар мисқоллардан тўпланган обрў каби кундалик ишлар-чикир одатлар йиғиндисидан иборатдир. Инсон яхшилик ва эзгуликни ҳаётдан ўрганади, яна ҳаётга қайтаради. Бу одатлар катта фазилатлар даражасида етилиб, кишилар билан ўзаро муносабат, алока ва ҳамжиҳатликда қўл келади. Халқ мақоллари ва ҳикматли сўзларда яхшилик, эзгулик улуғланади, сезгирлик, меҳнатлик, кабоҳат қораланади. Шундай ажойиб мақоллардан бирида: «Яхшидан от қолади, ёмондан дод қолади» дейилади. Ҳақиқатан ҳам халқ яхшилиги билан ном қозонган кишиларни унутмайди, уларни бошқаларга намуна қилиб кўрсатади, улардан ибрат олишга даъват этади.

Кишининг энг яхши фазилатларидан бири камтарликдир. Камтарин кишини эл доим севади, улардаги олийжаноб хислатлардан намуна олади, унга эргашади. Инсон жамиятда туғилади, жамиятда ўсади, меҳнат қилади. Шунинг учун ҳам кишининг феъл-атвори, ахлоқи шу ижтимоий муҳитда белгиланади. Билимдон бўлиш, ижтимоий-сиёсий билимларни чуқур эгаллаб, ғоявийлик, партиявийлик, ахлоқан поклик, илм билан амалнинг бирдиги, ижтимоий бурчга садоқат ҳозирги замон маданиятли, камтарин кишисининг энг асосий фазилатлари ҳисобланади.

Ўртоқ Леонид Ильич Брежнев КПСС XXVI съездида гражданлик пафосини, камчиликларга муросасизликни илгари суриш билан бирга ғоясизлик, лоқайдлик... каби ҳолларга қарши беомон курашиш зарурлигини ҳам таъкидлади. Ҳа, атрофга лоқайдлик билан қарайдиган, «Мен сенга тегмай, сен эса менга тегма» қабилида иш тутадиган, «ичимдагини топ» дейдиган одамлардан чўчиш керак. Баъзан шундай кишилар аллақандай нарса сифатида камтарлик ниқобида юрадилар. Бундай кишилар тўғрисида ҳаммамиз учун ҳурматли ва қадрли Шароф Рашидович Рашидовнинг «Правда» газетаси мухбирлари билан қилган суҳбатида айтган гаплари ғоят эътиборли ва диққатга лойиқдир.

— Муҳаммаджон ака, халқимизда ажойиб бир мақол бор: «Катта арава қаердан юрса, кичик араваям шунинг изидан юради». Худди шунингдек, кўпчилик одамлар юриш-туришда яхши раҳбарлардан андоза олишади, муомалада уларга тақлид қилишади. Бу яхши одат, албатта. Лекин, шундайлар ҳам борки, кечагина раҳбарлик лавозимига кўтарилган баъзи бировлар мансаб жиҳатидан ўзларидан пастроқдаги кишилар билан қўл учида саломлашишлари, ходимлари билан қўпол-дағал муомалада бўлишлари каби номақбул хатти-ҳаракатлари софдил кишиларни ҳақли равишда хафа қилади. Бундай кишиларга Сиз қандай қарайсиз?

— Мен хизмат юзасидан тез-тез сафарда бўлиб тураман. Боя юқорида айтганимдек, инсон яхшилик ва эзгуликни ҳаётдан олади. Кўпроқ одамлар орасида бўлсангиз, атрофдаги воқеаларни сезгирлик билан кузатсангиз бир-бирига қарамқарши бўлган воқеаларнинг шоҳиди бўласиз. Бири ибрат — бири иллат. Биринчиси ақл ва билим туфайли, иккинчиси — кибр-ҳаво, манманлик ва баджаҳллик оқибати. Ўзаро муносабатларда, муомалада ким ақлли-ҳушли бўлса, узоқни кўзлаб иш тутса, жаҳл билан эмас, ақл билан қадам босса, унинг ҳурмати ва обрўси ошаверади. Такаббурлик, олифтагарчилик, сохта тавозе, ўринсиз мулозаматнинг албатта «миси» чиқади. Ақл — инсон қадр-қиммати ва обрўсини оширса, жаҳл кишини бебурд қилади, инсон қадр-қимматига путур етказади. Шу қатори хушмуомалалик, самимият, ҳурмат — кишилар орасидаги илиқлик, меҳр-муҳаббат ва дўстлик кўпригини қуради. Муомала одоби кишида энг яхши хислатларни тарбиялайди, камол топтиради.

Икки нарса билан киши қаримайди. Бири — гўзал хулқи, бири — яхши сўзи. Бу хислатлар одамни нуроний, иззатли, ҳурматли қилади. Хулқ-атвор ёмон бўлса, бахтсизлик, хору зорликка олиб келади. Мен бир нарсага доим амал қиламан ва доим касбдошларимни шуига даъват этаман. Яъни, улкан физиолог И. П. Павлов таъкидлаганидек, жамики шартли қўзғатувчилар қандай бўлса, сўз ҳам инсон учун ўшандай шартли қўзғатувчидир. Бас, шундай экан, шифокор сўзи ҳам шифобахш бўлиши — шу маънода жуда катта таъсир кучига эга бўлиши лозим. Агар врач билан суҳбатдан сўнг бемор енгил тортмас экан, у шифокор эмас!

Мен бир колхоз раисини жуда яхши биламан. Бу одамни партия устави, колхоз устави қоидаларига, раҳбарлик принципларига қаттиқ риоя қилаётган инсон дея оламан. Бу киши — Хоразм область, Хонқа районидаги Ленин орденли Охунбобоев номли колхоз раиси Аҳмаджон Юсуповдир.

Кўпинча Хоразмга борганимда, шу колхозга бир кириб ўтаман. Ана шу кишининг камтарин меҳнати бўлса керак, колхоз жуда обод бўлиб кетган...

Мен сизга айтсам, халқ карвонбошчиси, эл-юртнинг отахони ва онахони бўлиш осон эмас. Бу кишидан ташкилотчилик ва тадбиркорлик қатори халқ билан сўзлаша билиш, унинг қалбига кира билиш санъатини ҳам талаб этади. Кишилар қалбига яхшилик уруғини сочган одамларни халқ унутмайди, унинг орқасидан ҳам ҳурмат қилиб, яхши гаплар айтиб юради. Мен, ана шундай ҳурматга лойиқ бўлган Аҳмаджон ака Юсуповнинг партиямиз XXVI съездидан қайтиб келиш арафасида унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилганлиги тўғрисидаги хабарни эшитиб, жуда ҳурсанд бўлдим. Аҳмаджон ака бунга лойиқ. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Раҳбар ташкилотчилиги, ғамхўрлигига фақат далалар, фермалар, қурилиш участкаларида бўлишига қараб баҳо бермаслиги, балки боғчалардаги болалар, мактаблардаги ўқувчилар, шифохоналардаги беморлар ҳолидан хабар олиши, шодиёна кунларда, тўй-томошаларда бош-қош бўлиши, одамлар билан юракдан сўзлашиши ҳам инобатга олинишини унутмаслик лозим. Чунки, у раҳбар ҳамма учун ғамхўр киши.

— Муҳаммаджон Комилович, инсон фазилати хусусидаги мазмунли суҳбатингиз учун катта раҳмат. Албатта, ҳозир Сиз айтиб ўтгандек, камтарлик ва меҳрибонлик инсон кўрки экан, ҳар биримиз шунга амал қилсак, кам бўлмаймиз. Сиз ҳам, кўнглингиз офтоби билан, қалбингиз меҳри билан инсон кўзига зиё улашаётган экансиз, бу йўлда ҳам Сизга каттадан-катта муваффақиятлар тилаймиз, камтарона фазилатларингиз камол топаверсин!

Суҳбатни
Р. ПЎЛАТОВ
ёзиб олди.

ТУНГИ ТОШКЕНТ. Ленин музейи майдони манзараси.
М. Нуриддинов фотоси.

• Янгилик! Хабарингиз борми?

РЕСПУБЛИКА КЎЗГУСИ

Ўнинчи беш йиллиннинг охирги йили — 1980 йилда Ўзбек Совет Энциклопедиясининг охирги 14-томини халққа инъом қилган ўзбек қомусчилари ўзларининг навбатдаги йирик маҳсуллари — рус тилидаги бир томлик «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси» энциклопедиясини Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди ва КПССнинг XXVI съездига бағишлаб босмадан чиқаришди. Турли-туман рангли расм-иловалар, карталар ва 700 га яқин оқ-қора расмлар билан безатилган бу асарда ўзбек халқининг бошқа қардош халқлар оиласида иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётда эришган улкан ютуқлари акс этган.

Китоб КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидовнинг «Ўзбекистон совет халқларининг қардошлик оиласида» номли мақоласи билан бошланади. Унда жумладан ушбу мисралар бор: «Совет Ўзбекистонини Ленин орзулари амалга ошган ўлка деб бежиз айтишмайди. Қудратли индустрияга, юқори даражада механизациялашт и р и л ган кўп тармоқли қишлоқ хўжалигига эга бўлган, фан, техника ва маданият тараққий этган республика — Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Коммунистик партия раҳбарлигида, совет халқлари, аввало, улуғ рус халқининг қардошлик ёрдамида қисқа муддат ичида камолга етди ва гуллаб-яшнади. Ўзбекистон эришган ютуқлар — КПСС ленинча миллий сиёсати тарихий ғалабасининг, совет халқлари бузилмас дўстлигининг ёрқин тимсолидир».

Энциклопедияда Ўзбекистон СССР нинг ибтидоий жамоа тузумидан то ҳозирги кунигача бўлган даврни қамраган тарихини ёритишга алоҳида ўрин берилган. Ўзбекистон Коммунистик партиясининг, шунингдек унинг ёрдамчиси ва резерви — Ўзбекистон комсомолининг раҳбарлик роли кўрсатилган. Унда Кассаба союзлари халқ депутатлари Советлари ва республиканинг бошқа жамоат ташкилотлари ҳақида муфассал маълумотлар келтирилган. Халқ хўжалиги барча тармоқларининг тараққиёти, халқ фаровонлигининг ўсиши чуқур ва ҳар тарафлама кўриб чиқилган, табиий ва ижтимоий фанларнинг тараққиёти, ўзбек тилининг шаклланиши кўрсатилган.

Китобда Ўзбекистон халқларининг маънавий ва маданий ҳаёти акс эттирилган. Адабиёт бўлими айниқса, қизиқарли ёзилган. Бу бўлим ўқувчини адабиёт ва санъат тараққиётининг тубсиз булоғи ҳисобланган фольклор намуналари ижодкорлари ва ташвиқотчилари — ўзбек бахшилари билан. Ўтмишнинг буюк алломалари ва шоирларининг ҳамда замондошларимизнинг ижоди билан таништиради. Ўқувчи китобда ёзма манъбалар орқали бизгача етиб келган архитектура, тасвирий санъат ва халқ амалий санъатига доир бой материал топа олади.

Ўзбек халқининг урф-одатлари ва маросимлари ҳақидаги маълумотлар китобдан муносиб ўрин олган.

Китобга республикамиз пойтахти Тошкент шаҳри ва областлари ҳақидаги маълумотлар киритилган.

Китобнинг охирида турли-туман маълумотлар ўз ичига олган «Илова», «Муҳим воқеалар хронологияси», «Номлар кўрсаткичи» берилган. «Илова»да ўзбекистонлик СССР халқ артистлари, Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофоти лауреатлари, Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти, Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреатларининг руйхатлари, шунингдек, СССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари ва мухбир аъзолари, Бутуниттифоқ соҳа академияларининг ўзбекистонлик ҳақиқий аъзолари ва мухбир аъзолари, Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари ва мухбир аъзолари рўйхатлари: Ўзбекистон олий ва ўқув юртлари ва махсус ўрта билим юртлари рўйхати; Ўзбекистонда чиқадиган газета ва журналлар рўйхати; «Ўзбекфильм»да ишланган асосий бадиий ва ҳужжатли фильмлар (1925—80) рўйхати келтирилган.

Китоб яқин кунларда китоб магазинларига чиқарилади.

Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси ходимларининг навбатдаги режалари катта. Олдинда «Пахтачилик», «Тошкент» (иккаласи рус ва ўзбек тилларида), «Русча-ўзбекча луғат» (2 томлик), «Саломатлик» (ўзбек тилида) ва бошқа энциклопедиялар устидаги ишлар турибди. Бу йил эса ҳурматли қомусхонларимиз «Меҳнат ҳуқуқи» (ўзбек тилида, I томлик) ва «Қисқача уй-рўзғор энциклопедияси» (ўзбек тилида, I томлик) ни олишга муяссар бўлишади.

М. МИРБОБОЕВ,
Ўзбек Совет Энциклопедиясининг масъул секретари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

ШАНБА ОҚШОМИ

Собир Раҳимов район бадиий ҳаваскорлик коллективларининг репертуарлари тобора ранг-баранг ва мазмунли бўлиб бормоқда. Улардан СССР халқларининг энг яхши қўшиқ ва рақслари кенг ўрин олмоқда.

Суратда: район олий ўқув юртлари бадиий ҳаваскорлик коллективларининг чиқиши.

Қ. Исоқов фотоси.

• Бош пландан бир лавҳа

ЯНГИ ЧОЙХОНА

Тошкентдаги турар жой ва жамоат биноларини эксперименталлойиҳалаш зонал илмий-тадқиқот институтининг бош архитектор О. Иванян, бош инженер В. Тельновлардан иборат ижодий коллективи пойтахтимизнинг Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспектида қуриладиган 150 ўринли янги чойхонанинг лойиҳасини ишлаб чиқдилар. Чет эллик туристлар учун мўлжалланган бу чойхона лойиҳаси Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг чет эл туризми бўйича башқармаси буюртмаси асосида тайёрланди.

Янги чойхона Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспектининг Анҳор канали соҳилида, М. Горький номли рус драма театрининг янги биноси қурилаётган жой яқинида қад кўтаради. Чойхонанинг олд томони Анҳор канали томон қараган бўлади ва у меъморчилик нуқтаи назаридан янги театр биносининг умумий кўринишига уйғунлаштирилади. Чойхона атрофида мороженое кафеси жойлашади. Унинг ёнида эса чойхонанинг ёзлик зали бўлади.

Чойхонанинг ички ва ташқи томонларини сайқаллашда ганч ва ёғоч ўймакорлиги, сопол плиталар, мисга зарб бериш сингари ўзбек меъморчилигининг нодир намуналаридан ижодий фойдаланилади. Чойхона атрофи кўкаламзорлаштирилиб ободонлаштирилади. Кичик архитектура элементлари қурилади.

Архитектура-планлаштириш Бош бошқармасининг шаҳарсозлик Совети туристлар учун мўлжалланган янги чойхона биноси лойиҳасига юксак баҳо берди. Қурилиш ишларини Тошкент қурилиш Бош бошқармаси бинокорлик коллективлари амалга оширади.

Т. ҲАКИМОВ,
инженер.

ҲАМШАҲАРЛАР, СИЗЛАР УЧУН

МАССАЖ ХОНАСИ ХИЗМАТИНГИЗДА

Навоий кўчасидаги 30 «а» уйда жойлашган марказий «Сервис» уйида ҳамшаҳарларимиз учун яна бир қулайлик яратилди. Бу ердаги икки хона массаж хизмати учун ажратилди.

Эрталаб соат тўққиздан соат 14.30 гача ҳамшаҳарларимиз хизматида бўлаётган бу янги хизмат кўрсатиш хонаси пайшанба ва якшанба кунларидан ташқари ишламоқда. Ўзингизга керакли маълумотларни 44-63-15, 44-61-45, 44-28-01, 44-65-04 рақамли телефонларга кўнғироқ қилиб билишингиз мумкин.

ФАН ВА ТЕХНИКА ИЗЛАНИШЛАРИ

ҚУЁШ «ҚОЗОНХОНАСИ»

Измаилнинг янги микрорайонида қуёш билан иситиладиган биринчи уй-жой қад кўтарди. Қуёш нури иситадиган сув уйнинг беш қаватига иссиқлик келтиради. Система томда жойлашган Гелио қурилмада ишлайди.

Украинанинг жануби — жумладан, Қора денгиз соҳили гелио-техника жорий этилувчи район бўлиб бормоқда. Бу ерларда йилнинг 260 кунида офтоб чарақлаб туради. Одесса яқинидаги Болгарка қишлоғида қуёш воситасида иситилувчи уйлар муваффақиятли синаб кўрилди. Уларда юқа алюминий панеллар жами саҳни 75 квадрат метрга борадиган радиаторлар ишлатилади. Улар кассета қилиб йиғилган бўлиб, қуёш нури эртадан то кечгача учдан икки ҳисса фурсат мобайнида тушиб турадиган қилиб ўрнатилган.

Қишда ва кузда «қуёш уйлари» одатдаги қозонхонанинг иссиқ суви билан таъминланиб туради. Қаттиқ ва суюқ энергия манбаларини тежаш ҳисобига уй-жой биноларидаги гелио-қурилмалар бир ярим йилда ўзини қоплайди.

(ТАСС).

ТАРИХ СОЛНОМАСИДАН

Қутлуғ анъана шундай бошланган эди

Бутун мамлакатимизда коммунистик шанбаликка қизғин тайёргарлик кўрилаётган кунларда мен дастлабки шанбаликлар қандай ўтганлигини эсладим. Бу деярли 60 йил илгари бўлган эди. Туркистон ҳарбий округининг афсонавий командири Михаил Васильевич Фрунзе Туркистонга келди. Унинг буйруғи билан қисмлар Фарғона водийсига жўнатилди. Бу ердаги қўшинларга Зиновьев қўмондонлик қиларди.

Михаил Васильевич бутун Фарғона водийсини айланиб чиқди. Йўллар бўйлаб пахта тойлари ёттанини кўриб ажабланди. Бундай қимматбаҳо саноат маҳсулоти очиқ жойда сочилиб ётиши уни жуда ачинтирди. Бу маҳсулотларга ҳеч ким аҳамият бермаётганлигини тушунган қўмондон қимматбаҳо ашёларни бир жойга йиғиб, асрашга буйруқ берди. Бунинг учун алоҳида жангчилар группаси ташкил қилинди. Бу группа Когондан Жалолободгача йўл ёқаларида ётган пахтани йиғиштиришга киришди. Ана шундан кейин Андижон, Ўш шаҳарларида ҳам пахтани йиғиш бўйича алоҳида группалар ташкил қилинди. Бу шаҳарлардаги темир йўлларнинг олдида махсус майдончалар ташкил қилинди. Йиғилган пахта ана шу майдонларга келтириб қўйилди. Шундай қилиб, Туркистонда ўтказилган дастлабки шанбаликда Фрунзе ва Зиновьевлар актив қатнашди.

Шуниси диққатга сазоворки, дастлабки шанбаликда қатнашган кишилар ҳамон жамият учун катта фойда келтиришмоқда. Бунга бир мисол келтирайлик. Биз истиқомат қилаётган микрорайон ёнидаги маҳалларда кекса меҳнат ветерани Муҳсин Нурмуҳамедов яшайди. У бутун ҳаётини боғбонликка бағишлаган. Ҳозир 93 ёшда бўлишига қарамасдан шаҳримизни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида фаол иштирок этмоқда. У ўз атрофига комсомолларни тўплаб Лабзак кўчаси атрофига 200 дан зиёд дарахт кўчати ўтказди. Ариқларни тартибга келтирди. Менинг ўзим ҳам уйимизнинг атрофига 150 дан зиёд яшил тўсиқ ва гул кўчатларини ўтказдим.

Бу гапларни айтишдан мақсадим шуки, совет кишилари она-Ватан куч-қудратини ошириш йўлида жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилишяпти. Бу қутлуғ анъанани ёшлар ҳам дадил давом эттирмоқдалар.

Р. УСМОНОВ,
гражданлар ва Улуғ Ватан урушининг ветерани, истеъфодаги гвардиячи майор.

ФАҚАТ ФУТБОЛ ҲАҚИДА

Эфирда биринчи репортаж

Футбол ишқибозларини бу албатта қизиқтирса керак. Футбол ўйини ҳақидаги репортаж дунёда биринчи марта 1926 йилнинг октябрида радио орқали эшиттирилди. У Будапешт ва Прага командалари ўртасидаги ўйин эди. Репортажни чех журналисти Иозеф Лауфер олиб борди.

Ватанимизда футбол матчи ҳақидаги биринчи репортаж 1929 йилда эшиттирилган. Уни журналист М. Ромм, Москва футбол секциясининг раиси А. Зискинд ҳамда физкультура институтининг ўқитувчиси М. Козловлар олиб боришган. Шундан кейин М. Козлов Москва терма командасининг катта тренерлигига тайинланди. Иккинчи эшиттиришга эса А. Зискинд, судья В. Рябоконь, И. Севостьянов ва А. Богдановлар таклиф этилди.

Йўғон оёқли «футболчи»лар

Қизиқ, филлар ҳам футбол ўйнайдими, деб сўрарсиз. Жанубий-Шарқий Осиёда яшовчи кишилар бу саволга «ҳа» деб жавоб беришади. Чунки бу ердаги кўпгина хонаки филлар ўз хўжайинларини, елкасига миндириб олиб, футбол ўйнашади. Филларнинг ўйини томошабинларга олам-олам завқ-шавқ бағишлайди. Шуниси қизиққи, улкан ҳайвонлар коптокни футболчиларга ўхшаб оёқлари билан эмас, балки хартумлари билан «тепишади».

Аёллар яшил майдонда

Аёллар ҳам тўп тепишмоқда. Ғарбий Европада аёллар футболи оммалашиб боряпти. Ҳозир Германия Федератив Республикасида аёлларнинг 334 футбол клуби бор, футбол ўйнайдиган хотин-қизлар сони 2238 га етди. Аёллар командаларида таниқли футбол «юлдуз»лари ҳам бор. Улар бир клубдан бошқасига ўтса, яхшигина пул беришади. Ямайкалик қора танли Виверли Рейнжер энг асосий юлдуз ҳисобланади. Маҳаллий спорт матбуоти тили билан айтганда бу. «қора марварид»ни телевидение ҳам реклама қилиб мақтаяпти. У эса кетма-кет бир командадан бошқасига ўтишни давом эттирмоқда. Оқибатда нима бўлишини айтиш қийин. Виверли эса бундай ўтиши ҳар сафар ҳамёнига 3—5 минг марка келтираётганидан мамнун.

• Дам олиш соатида

КРОССВОРД



1. Балиқ тури. 2. Рашод Нури Гунтекин романи. 3. Буюк астрономлардан бири. 4. Ж. Жабборов комедияси. 5. Пермь областидаги шаҳар. 6. Шонрлар мусобақаси. 7. Ҳиндистон протекторати остидаги давлат. 8. Олий Совет вакили. 9. Беш достондан иборат асар. 10. Пионерлик белгиси. 11. Техника хили. 12. Отлиқ хабарчи. 13. В. Маяковскийнинг сатирик асари. 14. Ватанимиз пойтахти. 15. Денгиз қуши. 16. Халқаро мукофот. 17. Туркларга қарши жангда ҳалок бўлган рус ва болгар солдатларига қўйилган ёдгорлик. 18. Қушлар «маликаси». 19. Ўзбек классик шоири. 20. Оғир нарсаларни кўтарувчи механизм. 21. Иттифоқимиздаги хоккей командаларидан бирининг номи. 22. Ҳаво лайнери. 23. Осиё ва Африка ёзувчилари ас соцнациясининг органи — халқаро адабий журнал. 24. Кичик қаҳрамонлардан бири. 25. Саҳна санъатининг бир тури.

Тузувчи: А. МИРЗАЕВ.

11 АПРЕЛДАГИ «КОСМОНАВТИКА» ЧАЙНВОРДИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

1. Цналковский. 2. Иен. 3. Николаев. 4. «Восток». 5. Космодром. 6. Метеорит. 7. Гомайо Мендес. 8. «Спутник». 9. Космонавт. 10. Телескоп. 11. «Прогресс». 12. Скафандр. 13. Ремек. 14. Космос. 15. «Скайлеб». 16. Бойқўнғир. 17. Рукавишников. 18. Вазнсизлик. 19. Королев. 20. «Венера». 21. Автомат. 22. Теэлик. 23. Кабина. 24. Армстронг. 25. Гагарин. 26. Нептун.

ТО СПРАВКАЛАР БЮРОСИ

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Ш. БОТИРОВ, Б. ЭГАМОВ: Бизлар авиация саноати корхоналарида хизмат қиладиган малакали ишчи нхтисослигини эгаллаб моқчи эдик. Шаҳримизда шундай касб эгаларини тайёрлайдиган ҳунар-техника билим юртлари борми?

Жавоб: Тошкентдаги С. И. Кадишев номли 166-ўрта авиация ҳунар-техника билим юртида сизлар орзу қилган касб эгалари тайёрланади. Бундан ташқари 121-техника билим юрти ҳам граждан авиацияси авиаремонти хизматчиларини тайёрлайди. Ана шу иккала билим юртига 8—10-синф маълумотига эга бўлган йигит ва қизлар қабул қилинадилар.

Билим юртида ўқиш муддати уч йил ва бир йил қилиб белгиланган. 166-билим юрти Ҳамза районининг генерал Петров кўчасидаги 331-уйда жойлашган. У ерга 8, 20, 21, 30, 48, 80-автобуслар, 6 ва 29-трамвайларда борилиб, «166-ўрта ҳунар-техника билим юрти» бекатида тушилади.

Граждан авиациясининг 243-заводи қошидаги 121-техника билим юртига эса 25, 61, 66, 39-автобусларда борилиб, «Транспорт институти» бекатида тушилади.

∴ ∴ ∴

А. ЖУРАЕВ: Менга Ўзбекистон давлат филармонияси қайси йилда ташкил этилганлиги тўғрисида маълумот беришингизни илтимос қиламан.

Жавоб: Ўзбекистон филармонияси ва Ўзбекистон давлат эстрадаси 1936 йилда ташкил топди. Музикачилар, ашулачилар, рақслар, сўз усталари ўзбек ва рус классикларининг асарларини, эстрада қўшиқлари ва сюжеталарни ижро этишар эди.

1937 йилнинг охирига келиб, филармония составида халқ чолғу асбоблари этнографик оркестри, ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри, кичик симфоник оркестр ва Тамарахоним раҳбарлигидаги ансамбль бор эди. Улуғ Ватан уруши йилларида филармониянинг концерт бригадалари фронтларга бориб жангчиларга маданий хизмат кўрсатди.

1944 йилда эса филармония қошида музикали лекторий ташкил этилди. Бу лекторияга ҳозирги пайтда ҳам қизиқиш жуда катта.

∴ ∴ ∴

С. БАҚОЕВ: Ҳозирги пайтда мамлакатимиздаги қурилишлар ва корхоналарда ишлашга ишчилар қабул қилинаётган экан. Шу масалада қаерга мурожаат қилса бўлади?

Жавоб: Меҳнатга жойлаштириш бўйича шаҳар пунктининг адреси қуйидагича: Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 6-хона. Телефони: 32-10-79. Бу ерда Оренбург, Қозон, Ульяновск, Саратов, Воронеж, Хабаровск ва бошқа шаҳарлардаги корхона ва қурилишларга ишчиларни ишга қабул қилиш йўлга қўйилган. Ана шу пунктга келиб, бу ердаги иш шароити ва юқорида айтиб ўтилган шаҳарларда ишлаш хоҳишини билдирган шахсларга бериладиган имтиёзлар ҳақида батафсил маълумот олиш мумкин.

∴ ∴ ∴

М. ЖАББОРОВА: Айтингчи, шу кунларда ҳаммамиз севиб харид қилаётган «Пепси-кола» ва район озиқ-овқат савдоси бўлимига қарашли пунктларда ичимлигидан бўшаган шишаларни магазинлар қабул қилиб олиши керакми?

Жавоб: «Гастроном» республика конторасининг барча магазинларида «Пепси-кола» ичимлигининг бўш шишаларини қабул қилиб олиш йўлга қўйилган. Бўшаган ҳар бир шиша идиш 9 тийиндан қабул қилиб олиниши керак.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

3 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

18 АПРЕЛЬ, 1981 й.

Ҳафталик программа

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

20 АПРЕЛЬ — ДУШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 Мультфильм. 10.25 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Қудуқ ёнидаги подачи». Телевизион бадиий фильм (ГДР). 11.40 «Киносаёҳатчилар клуби». 12.40 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Ҳужжатли фильмлар программаси. 16.00 «Онамларнинг мактаби». 16.30 «Табиат ва биз». 17.00 Сузиш бўйича Халқаро ўртоқлик матчи. ГДР — СССР терма командалари. ГДРдан олиб кўрсатилади. 17.35 Авторлик ҳуқуқи бўйича Бутуниттифоқ агентлигининг раиси Б. Д. Панкин сўзи.

17.35 Н. Мясковский. 3-соната. Халқаро конкурслар лауреати Б. Петрушанский чалади. 18.10 «Петроград. Ўн еттинчи йилнинг октябри...». Телевизион ҳужжатли фильм. 1-фильм. «Юлдузли соатда». 19.20 «БЕШ ЙИЛЛИК ВА КОЛЛЕКТИВ». «Бошқирдистон нефти». Кўрсатувда КПСС XXVI съезднинг делегати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, «Башкнефть» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Е. В. Столяров иштирок этади. 19.50 «Футбол шарҳи». 20.20 «Мардлик». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. В. Кетлинскаянинг шу номли романи асосида. 1-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Мардлик». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 23.15 «Дунё воқеалари». 23.30 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиосининг СССР халқ артисти Ю. Силантьев раҳбарлигидаги эстрада-симфоник оркестрининг концерти.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

19.30 РСФСР халқ артисти Е. Алтухова ва РСФСР халқ артисти Н. Некрасов раҳбарлигидаги рус халқ чолғу академик оркестри ижросида Р. Ҳамзатов шеърларига ёзилган қўшиқлар ва романслар. 20.20 «Денгиз бўйи». Телевизион ҳужжатли фильм. 20.30 «Инсон. Ер. Коинот». Кўрсатувни икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси В. И. Севастьянов олиб боради. 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Сеҳрли экран». 21.30 Москва Давлат филармониясининг Академик симфоник оркестри ижросида совет композиторларининг симфоник асарлари. 22.05 Хоккей бўйича жаҳон ва Европа чемпионати. Финал группаси қатнашчиларининг матчи. 2 ва 3-даврлар. Гетеборгдан олиб кўрсатилади.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

10.25 Кўрсатувлар программаси. 10.30 «Табиат бойликларидан фойдаланиш ва уларни қўриқлаш». Табиатшуносликдан ўқув кўрсатуви (рус.). 10.50 «Биографиянинг бошланиши». Телевизион ҳужжатли фильм (рус.). 11.30 «Табиат бойликларидан фойдаланиш ва уларни қўриқлаш». Табиатшуносликдан ўқув кўрсатуви.

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Мард йигитлар». Қўғирчоқ фильм. 18.15 «Пионер дружиналари Бутуниттифоқ маршида». 18.45 «Советский воин». Тележурнал (рус.). 19.30 «Ахборот». (рус.). 19.45 «Ильич сёвган асарлар». Музикали кўрсатув. 20.30 «Ахборот». 20.50 Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Т. Қодиров концерти (такрорий). 21.30 Москва. «Время». 22.05 КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЕТГА. «Қишлоқ ҳўжалигида меҳнатга ҳақ тўлашнинг нарядсиз системаси». Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари А. К. Каримов сўзи. 22.30 «Дала ҳовли». Бадиий фильм. 23.55 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги. 00.10 Кўрсатувлар программаси.

II

18.35 Кўрсатувлар программаси. 18.40 Болалар учун фильмлар: «Мафин ва унинг қувноқ дўстлари», «Денгиз бўриси». 19.10 «В. Ульянов Самарада». «Ўрток Ленин сўзи». «Кишилар ва тақдирлар». Телевизион ҳужжатли фильмлар (рус.). 20.00 Янгиликлар. 20.20 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Олий математика. 21.20 «Саҳифалик». Телевизион ҳужжатли фильм (рус.).

21 АПРЕЛЬ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 «Мардлик». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-серилар. 12.20 РСФСР Давлат духовой оркестрининг концерти. 12.50 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Германия Социалистик Бирлашган партиясининг 35 йиллигига. «ГДР бўйлаб». Кинопрограмма. 16.20 КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЕТГА. «КамАЗ. Шаҳар атрофи зонаси». Набережная Челнада озиқ-овқат программасини ҳал этиш аспектлари ҳақида. 16.35 Украина ССРда хизмат кўрсатган Давлат бандурачилар капелласининг концерти. Киевдан олиб кўрсатилади. 17.05 «Петроград. Ўн еттинчи йилнинг октября...» Телевизион ҳужжатли фильм. 2-фильм. «Биз янги дунёни барпо этамиз». 18.10 Хоккей бўйича жаҳон ва Европа чемпионати. Финал группаси қатнашчиларининг матчи. Гетеборгдан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (18.50) — «Дунё воқеалари». 20.25 «Мардлик». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Севимли саҳифалар». Моссовет номли Давлат академик театрининг спектакль-концерти. 23.40 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

19.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 20.30 «Халқаро панорама». 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 21.30 И. С. Бах. Фортепьяно ва оркестр ижроси учун икки концерт. 22.05 Хоккей бўйича жаҳон ва Европа чемпионати. Финал группаси қатнашчиларининг матчи. 2 ва 3-даврлар. Гетеборгдан олиб кўрсатилади.

Узбекистон телевидениесининг программаси

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 А. П. Чехов. «Олчазор боғ». Адабиётдан ўқув кўрсатуви (рус.). 12.00 «Догистон баҳори». Телевизион ҳужжатли фильм. 12.30 «СССР халқлари адабиётининг ўзаро таъсири ва алоқалари». Адабиётдан ўқув кўрсатуви. 13.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Ленин номида» (рус.).

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Оқ бўталоқ». Мультфильм. 18.40 Болалар учун. «Қузноқлар даврасида». 19.10 «Мангу барҳаёт». В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалидан репортаж. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Ҳужжатли кино экрани». Узбекистон кинематографчиларининг V съезди якунларига (рус.). 20.30 «Ахборот». 20.50 М. Қориёқубов номли Узбек Давлат филармонияси «Гўзал» ансамблининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЕТГА. «Тўлиқ гектар — мўл ҳосил гарови». 22.20 «Ишонч». Бадиий фильм. 23.50 Кўрсатувлар программаси.

II

18.35 Кўрсатувлар программаси. 18.40 Болалар учун фильм. «Яна бир қувончли кун». 19.00 Ритм, ритм, ритм. Фильм-концерт. 19.30 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Касбим — фахрим». 20.00 Янгиликлар. 20.20 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Назарий механика. 21.20 «Советлар мамлакатининг кишилари». Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси (рус.).

22 АПРЕЛЬ — ЧОРШАНБА

В. И. ЛЕНИН ХОТИРАСИ КУНИ

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 Илмий-оммабоп фильмлар программаси: «Революция давом этади». «Ленин. Болалар ва давр». 10.40 «Мардлик». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 11.45 Д. Д. Шостакович номли квартет чалади. 12.15 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.15 «Ўртоқ плакат». Ҳужжатли фильм. 15.25 «Эсмирлар ижоди». 15.55 «Сизни қизиқтирган китоблар». 16.40 «Шахмат мактаби». Разрядлилар синфи. Эндшпиль. 17.10 Гитара учун пьесаларни В. Широков чалади. 17.25 «Фан оламида».

17.55 «Ульяновлар оиласи». Бадиий фильм 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Москва камер хори ижросида революция ва гражданлар уруши йилларининг қўшиқлари. 19.55 В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 111 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС. Концерт. Кремлнинг Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Время». 24.00 Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

19.30 «Қишлоқ янгиликлари». 20.30 Халқаро конкурслар лауреати Н. Гаврилова чалади (фортепьяно). 20.40 «Ҳамдўстлик» телевизион журнали 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 21.30 «Музей ва кўргазма залларидан бўйлаб». Рассомлар Марказий уйида очилган «Биз коммунизм қурамиз». Бутуниттифоқ бадиий кўргазмаси. 22.00 Хоккей бўйича жаҳон ва Европа чемпионати. Финал группаси қатнашчиларининг матчи. 2- ва 3-даврлар. Гетеборгдан олиб кўрсатилади.

Узбекистон телевидениесининг программаси

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Чўян ва пўлат ишлаб чиқариш». Химиядан ўқув кўрсатуви. 12.00 «Вақт ҳукмрон эмас». Телевизион ҳужжатли фильм. 12.30 «Чўян ва пўлат ишлаб чиқариш». Химиядан ўқув кўрсатуви (рус.).

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Бизнинг бахтли болалик». Адабий-музикали композиция. 18.30 «Қўқонлик уста». Ҳужжатли фильм. («Узбектелефильм»). 18.45 «Ленин номи билан». Адабий кўрсатув. 19.25 «Ахборот» (ўзб., рус.). 19.55 Москва. В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 111 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС. Кремлнинг Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. 21.30 Москва. «Время». 22.05 В. Шатров. «Қизил яйловдаги кўк тулпорлар». Ҳамза номли Узбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 00.25 Кўрсатувлар программаси.

II

18.35 Кўрсатувлар программаси. 18.40 Болалар учун фильм. «Ешлик». 19.00 «Китоб — бизнинг дўстимиз» (рус.). 19.30 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Физика. 20.30 Янгиликлар. 20.50 «Бир планетада». Бадиий фильм.

23 АПРЕЛЬ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.50 Эрталабки гимнастика. 10.15 «Бачо ва унинг онаси ҳақида эртак». Мультфильм. 10.35 «Ҳайвонот оламида». 11.35 «Қалбга яқин қўшиқлар». 12.20 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Меҳнатинг — иқболинг». Кинопрограмма. 16.00 «Биз билан бирга, ҳудди биздак, биздан ҳам яхшироқ бажар!». ГДРдан олиб кўрсатилади. 17.00 «Рус тили». 17.30 «Горичлар, қаердасиз!».

18.00 Афғон артистларининг концерти. 18.30 «Миллионлар ленинча университети». 19.00 «Қувноқ нотачалар». 19.15 Футбол бўйича кубок эгаларининг кубоги учун «Фейеноорд» (Голландия) — «Динамо» (Тбилиси). Голландиядан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида ва репортаж тугагач — Гетеборгдан хоккей бўйича жаҳон ва Европа чемпионатидан репортаж. 21.30 «Время». 22.05 С. Прокофьев туғилган кунининг 90 йиллигига. «Композитор ўпералари саҳифаларида». Танаффус пайтида (22.50) — «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

19.30 «Мукофот». Бадиий фильм. 20.55 «Саҳий қўёшли шаҳар». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Бор эканда, йўқ эканда, асалари бўлган экан...». Мультфильм. 21.30 М. Мясковский. 27-симфония. 22.05 Спорт программаси: Футбол бўйича СССР чемпионати. МАСК — «Шахтёр». Футбол бўйича СССР чемпионати. «Зенит» — «Спартак».

Узбекистон телевидениесининг программаси

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Коммунистик ахлоқ». Жамиятшуносликдан ўқув кўрсатуви (рус.). 12.00 «Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак» (рус.). 12.30 «Коммунистик ахлоқ». Жамиятшуносликдан ўқув кўрсатуви. 13.00 «Касблар ҳақида ҳикоялар». 13.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Светофор» (такрорий).

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Энг билимдон қўён», «Қўшиқ». Мультфильмлар. 18.45 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Бизнинг янги адресимиз». 19.15 «Коммунистлар ҳақида ҳикоялар», «Юрган дарё» (рус.). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Телевизион новеллалар театри. Хабрук. «Қора уй». 20.15 «ЯНГИ ҚАҲРАМОНЛАР». Фарғона область, Ленинград районидаги Энгельс номли колхоз ранси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мирзааҳмад Деҳқонов ҳақида телеочерк. 20.30 «Ахборот». 20.50 М. Ашрафий номли Тошкент Давлат консерваторияси чангчилар ансамблининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Турмуш ва маданият». 22.35 Спорт программаси: 1. Теннис бўйича 1 Халқаро турнир. «Динамо» теннис стадионидан репортаж. 2. Волейбол бўйича олий лига аёллар командалари ўртасида СССР чемпионати. «Автомобилист» (Тошкент) — «Искра» (Ворошиловград). «Меҳнат резервлари» спорт комплексидан репортаж (22 апрелда ёзиб олинган). 23.35 Кўрсатувлар программаси.

II

18.35 Кўрсатувлар программаси. 18.40 Болалар учун фильм. «Телескоплар». 1 ва 2-қисмлар. 19.15 Реклама. 19.30 «Ўқитувчи экрани». 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Анъаналарга садоқат». «Камчатка меридиани». Телевизион ҳужжатли фильмлар (рус.).

24 АПРЕЛЬ — ЖУМА

ЕШЛАРНИНГ ХАЛҚАРО БИРДАМЛИК КУНИ

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 «Горичлар, қаердасиз!». 10.35 Болалар учун. «Болакайлар — яхши одамлар». Телевизион бадиий фильм. 11.35 «Эртанка ўхшаган олам». Телевизион музикали фильм. 12.05 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Португалия республикасининг миллий байрами — Озодлик кунига. «Португалия бўйлаб». Кинопрограмма. 15.50 «Бил ва уддала». Ёш техниклар учун кўрсатув. Кўрсатувни Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси В. Зудов олиб боради. 16.35 Халқаро конкурс лауреати Ю. Воронцов чалади (баян). 17.00 «Москва ва москваликлар». 17.30 «Қувноқ оркестр саёҳатда». Горькийдан олиб кўрсатилади.

18.00 «Ешлар адреслари». 19.00 «Расмларда қуёш акси бор». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Жасорат». 20.15 Концерт. 20.25 «Мардлик». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия. 21.30 «Время». 22.05 «1981 йил қўшиқлари». 22.55 «Дунё воқеалари». 23.10 «Кинотомошабин ҳамроҳи».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

19.30 «Қуёш хазинаси». 20.30 «Адабий суҳбатлар». Матэ Залка. Туғилган кунининг 85 йиллигига. 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Сеҳрли экран». 21.30 Горький Давлат филармонияси симфоник оркестри ижросида М. Кажлаев асарларидан концерт. Дирижёр — автор, РСФСР халқ артисти М. Кажлаев. 22.05 Хоккей бўйича жаҳон ва Европа чемпионати. Финал группаси қатнашчиларининг матчи. 2 ва 3-даврлар. Гетеборгдан олиб кўрсатилади.

Узбекистон телевидениесининг программаси

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Н. Островский. Ижодига обзор». Адабиётдан ўқув кўрсатуви (рус.). 12.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат гунчалари» (такрорий). 12.30 «А. А. Фадеевнинг «Ёш гвардия» романида ёш гвардиячилар образи». Адабиётдан ўқув кўрсатуви (рус.). 13.00 «Замандас». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатув (қозоқ тилида).

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Қушлар байрами». Вальс-концерт. 18.15 «Ташаббускор ўқувчилар». Андижон область Избоскан районидаги Фарғона область Узбекистон районидаги ўрта мактаблари битирувчиларининг ташаббуси ҳақида. 18.45 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Интернационал дўстлик клуби». Кўрсатув ёшларнинг Халқаро бирдамлик кунига бағишланади. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Маҳом тароналари». 20.30 «Ахборот». 20.50 «Маҳом тароналари» (давоми). 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Дунё воқеалари». 22.35 «Романтика» телевизион театри. Ў. Ҳошимов. «Инсон садоқати» 1-қисм. 23.45 Теннис бўйича 1 Халқаро турнир. «Динамо» теннис стадионидан репортаж (ёзиб олинган). 00.10 Кўрсатувлар программаси.

II

18.35 Кўрсатувлар программаси. 18.40 Болалар учун фильм. «Галати дўст». 19.00 «Кеча, бугун, эртага». Фильм-концерт. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Қонун қўриқчилари». 20.50 «Волжский — менинг шаҳрим», «Шафақ тонг шаҳри», «Майлисой — нурафшон шаҳар». Телевизион ҳужжатли фильмлар (рус.).

25 АПРЕЛЬ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.45 «Қўплаб сифатли товарлар етказиб беранлик». 10.15 «Мардлик». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия. 11.20 «Голиблар». Фронтдош дўстлар клуби. 3-зарбдор армия ветераналарининг учрашуви. 12.50 Хоккей бўйича жаҳон ва Европа чемпионати. Финал группаси қатнашчиларининг матчи. Гетеборгдан олиб кўрсатилади. Танаффус, пайтида — «Спортлото»нинг 17-тиражи. 15.00 «Дунё воқеалари». 15.15 «Марказий телевидение экранида биринчи марта». «Карлос Эспинолининг кундаликлари». Болалар учун бадиий фильм. 16.30 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 17.30 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиосининг А. Михайлов раҳбарлигидаги симфоник ва эстрада куйлари оркестрининг концерти.

17.55 Сиёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов суҳбати. 18.25 «Стёпа — денгизчи». Мультфильм. 18.50 «9-студия». Сиёсий шарҳловчи В. С. Зорин олиб боради. 19.50 «Берёзка» давлат академик хореографик ансамблининг концерти. 20.25 «Брикмиллдаги жанжалли воқеа». Телевизион бадиий фильм премьераси Ж. Пристлининг пьесаси асосида, «Мистер Коттлом ва миссис Мун билан содир бўлган жанжалли воқеа». 1-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Брикмиллдаги жанжалли воқеа». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 23.10 «Оқшом тароналари». 23.55 Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

9.00 Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси: «Мирний», «Ашхобод», «Озодлик проспекти». 9.40 «Шахмат мактаби». Разрядлилар синфи. Эндшпиль. 10.10 «Сиз яратган боғ». 10.40 «Рус тили». 11.10 «Тонгги почта» музикали программаси. 11.40 Эркин кураш бўйича Европа чемпионати. Лодзядан олиб кўрсатилади. 12.10 «Инсон ва қонун». 12.45 Концерт. 14.00 «Фан оламида». 14.30 «Музикали киоск». 15.00 «Киносаёҳатчилар клуби». 16.00 И. Дунаевский. «Бахтга йўл». Телевизион музикали спектакль. 17.25 «Кинотомошабин ҳамроҳи».

18.10 Хоккей бўйича жаҳон ва Европа чемпионати. Финал группаси қатнашчиларининг матчи. Гетеборгдан олиб кўрсатилади. 20.30 «Здоровье» илмий-оммабоп программаси. 21.15 Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Валя хола ҳикоя қилади». 21.30 В. Моцарт сонаталари. 22.15 «Директор». Бадиий фильм. 1- ва 2-сериялар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20. Мультфильм. 18.30 «Янгроқ қўшиғим, парвоз эт!». «Санъат байрами» республика конкурси лауреатларининг концерти. 19.30 «Ахборот». Ленинча коммунистик шанбалик ҳақида репортаж. (рус.). 19.45 Телевизион миниатюралар театри. 20.30 «Ахборот». Ленинча коммунистик шанбалик ҳақида репортаж. 20.50 Ленинча коммунистик шанбалик қатнашчилари учун концерт. 21.30 Москва. «Время». 22.15 «Олий мақсад сари». Бадиий фильм. 1-серия. 23.25 Мамлакат кучли теннисчиларининг турнири. «Динамо» теннис стадионидан репортаж (ёзиб олинган). 23.55 Кўрсатувлар программаси.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Сўз кетидан сўз келар». Мактабгача ёшдаги болаларни рус тилида сўзлашишга ўргатиш. 10.30 «Қўшиқ айтган етар муродга». Конкурс программаси. 5-кўрсатув (такрорий). 11.10 «Кинопублицист экрани». 11.50 «Оқ бўрилар». Бадиий фильм. 13.20 «Шахмат мактаби». 13.50 «Шеърият билан учрашув». Римма Казакова. 14.50 «Сиҳат-саломатлик». 16.55 Кўрсатувлар программаси. 17.00 «Дўстлик экрани». «Ўрта Осиё республикаларн ва Қозоғистон телевидениеларининг биргаликдаги программаси.

18.00 «Чип саргузаштлари». Мультфильм. 18.20 «Эсмирлар ижоди». 18.50 В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети хорининг концерти. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Оламга саёҳат». Киносаёҳат. 20.30 «Ахборот». 20.50 Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист М. Аҳмедова рақсга тушади. 21.30 Москва. «Время». 22.05 КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЕТГА. «Пиллачиларнинг шу кунги муҳим вазифалари». 22.20 «Романтика» телевизион театри. Ў. Ҳошимов. «Инсон садоқати». 2-қисм. 23.30 Кўрсатувлар программаси.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

26 АПРЕЛЬ — ЯКШАНБА

БУТУНЖАҲОН БИРОДАРЛАШГАН ШАҲАРЛАР КУНИ

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Зарядкага сафланинг!». 10.05 Ф. Мендельсон. 1-квартет. 10.30 «Будильник». 11.00 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 12.00 «Здоровье» программасининг почтаси. 12.45 «Тонгги почта» музикали программаси. 13.15 «Қишлоқ янгиликлари». 14.15 «Музикали киоск». 14.45 «Бугун — Бутунжаҳон биродарлашган шаҳарлар куни». Совет ва чет эл шаҳарлари билан алоқа қилиш уюшмаси президиумининг раиси Н. Т. Козлов сўзи. 14.55 «Экран дўстларни чорлайди». Бутунжаҳон биродарлашган шаҳарлар кунига бағишланган концерт. 15.45 «Халқаро панорама». 16.30 «Бу яқиндагина, бу анча илгари содир бўлган...». 18.00 Хоккей бўйича жаҳон ва Европа чемпионати. Финал группаси қатнашчиларининг матчи. Гетеборгдан олиб кўрсатилади. 20.30 «Киносаёҳатчилар клуби». 21.30 «Время». 22.00 Хоккей бўйича жаҳон ва Европа чемпионати. Финал группаси қатнашчиларининг матчи. Гетеборгдан олиб кўрсатилади. 00.15 Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

9.00 Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси: «Йўл Чара орқали ўтади», «Навбатдаги станция Сибирь», «Ҳамма учун полизлар». 9.45 Халқаро конкурслар лауреати А. Бахчиев ва Е. Сорокина чалади. 10.00 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 10.30 Акробатика бўйича СССР кубоги. Донецкдан олиб кўрсатилади. 11.00 «Мунозара-клуб». 11.55 «Манеж». Фильм-концерт. 12.45 «Ленино — Кокушкино». Телевизион ҳужжатли фильм. 13.05 «Уфқ». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 14.05 «Ҳайвонот оламида». 15.05 Халқаро мавзуларда суҳбат. Суҳбатни КПСС Марказий Комитети халқаро ахборот бўлимининг мудири Л. М. Замятин олиб борди. 15.50 «Келин-куёвлар телевизион клуби». 17.20 Эркин кураш бўйича Европа чемпионати. Лодзядан олиб кўрсатилади.

18.00 «Театр афишаси олдида». 19.00 «Сўз — университетга». Ҳужжатли фильм. 19.20 «Уильям Шекспир». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2 ва 3-серия. Англия. 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Валя хола ҳикоя қилади...». 21.30 СССР Давлат академик симфоник оркестрининг концерти. 22.10 «Ўйлаб кўриш учун бир ой муҳлат». Телевизион бадиий фильм.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Санъат усталари». Тамарахоним (рус. такрорий). 11.25 «Узбекистон спорти». 11.55 «Сепкилли бола варрак учирди». Мультфильм. 12.00 «Қувноқ стартлар». 13.00 «Биринчи учрашув». Бадиий фильм. 14.25 Реклама.

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Бароқвой». Мультфильм. 18.30 Болалар учун. «Ўйлаб топ!» (рус.). 19.00 «Узбекистон ССР Давлат санъат музейи заллари бўйлаб». «Импрессионист рассомлар». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Назм ва наво». Увайсий лирикаси (такрорий). 20.30 «Ахборот». 20.50 «Назм ва наво». Увайсий лирикаси (давоми). 21.30 Москва. «Время». 22.00 КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЕТГА. «Чорвачилик — зарбдор фронт!». 22.15 «Совет киноси усталари». СССР халқ артисти Аббос Бакиров. 23.35 Кўрсатувлар программаси.

Қирғизистон телевидениесининг программаси.

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

МАКУЛАТУРА ТОПШИРУВЧИ

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

ҲАММА ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИДА ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАРГА АБОНЕМЕНТЛАР БЕРИЛАДИ:

18,19 АПРЕЛДА — А. ДЮМА. «45». Ҳар бир қабул пунктида 200 та абонемент берилади.

25, 26 АПРЕЛДА — И. Новиков, «ПУШКИН ҚУВҒИНДА». Ҳар бир қабул пунктида 200 та абонемент берилади.

Қабул пунктлари-магазинлари чоршанба, пайшанба, жума, шанба ва якшанба кунлари ишлайди. Дам олиш кунлари — душанба, сешанба.

Абонементлар бериш шанба ва якшанба кунлари амалга оширилади. Бошқа кунлари абонементларга берилаётган тўла комплектдаги талонларга етмаган макулатуралар қабул қилинади ҳамда иккиламчи ҳом ашёлар учун сотиб олиш нархи белгиланган 52-01 прейскурантига биноан ҳақ тўлаш йўли билан чекланмаган миқдорда макулатуралар ва иккиламчи ҳом ашёлар сотиб олинади.

Қабул пунктлари соат 10.00 дан 18.00 гача (танаффус соат 13.00дан 14.00гача) **ишлайди.**

ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИ-МАГАЗИНЛАРИНИНГ АДРЕСЛАРИ:

3 — Қўйлиқ бозори (7, 52, 68-автобусларнинг «Қўйлиқ бозори» бекати).

7 — Юнусобод массиви, Б—1 (8, 60, 72-автобуслари, 25, 28, 29-трамвайларнинг «Колхоз бозори» бекати).

9—3. Саид кўчаси (8-трамвай, 34, 64, 87-автобусларининг «Гулзор» бекати.)

10 — 1/3-Қорақамиш массиви (40, 56, 59-автобуслар, 27-трамвайнинг сўнгги бекати).

11 — 2/4 —Қорақамиш массиви (37, 56, 59, 65-автобусларнинг сўнгги бекати).

12 — Физкультурная кўчаси (Тўқимачилик комбинати қаршисида).

13 — Чилонзор массиви, 24-квартал, 53-уй, 82-квартира.

14 — Чилонзор массиви, 18-квартал, 10«а»-уй, 1-квартира.

15 — Чилонзор массиви, 1-квартал, 1-уй.

16 — Чилонзор массиви, 12-квартал, 23-уй, 39-квартира (2, 33, 41, 54, 75, 79-автобуслар, 4, 9, 19-трамвайларнинг «Фарҳод бозори» бекати).

17 — Чилонзор массиви, 24-квартал, 15-уй, 24-квартира (4, 9, 19-трамвайларнинг «Москва»кафеси бекати).

18 — Спутник массиви, Марказ-3, 5-уй).

19 — Ж. Обидова кўчаси (19-автобус, 2, 6-трамвайларнинг «Бодомзор» бекати).

20 — Олой бозори.

24 — Мирсолиҳов кўчаси, 19-уй.

25 — Бирлашган кўчаси, автостанция.

26 — М. Горький проспекти (17, 71-автобуслар, 13,22-трамвайларнинг «Трамвай-троллейбус депоси» бекати).

28 — Первомайск бозори.

29 — Строительная кўчаси, 38-уй.

31 — 2-Қўйлиқ массиви, Савдо маркази.

32 — Луначарский шоссеси, 301-уй.

34 — Улуғбек посёлкаси, ядро физикаси институти.

ҲУРМАТЛИ ГРАЖДАНЛАР!

Қабул пунктларига абонементлар олиш учун актив макулатура топшириш китобларни китоб савдо тармоқларига тезда етказиб берилишини таъминлайди.

ТОШКЕНТ ШАҲАР «ВТОРСИРЬЁ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТАЙЁРЛАШ КОРХОНАСИ.

ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚЛАР!

БАҲОР БАЙРАМИ — 1 МАЙ ЯҚИНЛАШМОҚДА

ПОЧТА ОРҚАЛИ ЖУНАТИЛГАН БАЙРАМ ТАБРИКЛАРИНИ СЎНГГИ БАЙРАМ ОЛДИ КУНЛАРИГА ҚОЛДИРМАНГ.

ТАБРИК ТЕЛЕГРАММАЛАРИ 20 АПРЕЛЬ КУНИ (фақат бир кун)

ИМТИЁЗЛИ ТАРИФ БЎЙИЧА

(одатдагидан 2 марта арзон)

ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Телеграмма жўнатаётганда адресда шаҳарнинг номидан сўнг адресатга хизмат кўрсатувчи шаҳар алоқа бўлимининг номерини кўрсатишни унутманг.

ЁДИНГИЗДА БЎЛСИН! Телеграммада алоқа бўлимининг номери кўрсатилган бўлса, унга ишлов бериш анча тезлашади!

Шаҳар алоқа бўлимининг номерини кўрсатганлик учун ҳақ тўланмайди.

Почта жўнатмаларини олувчиларнинг адресларида жойнинг номидан олдин алоқатта олти рақамли почта индексини, жойнинг номидан кейин эса алоқа бўлимининг номерини кўрсатиш шарт.

Шунингдек, жўнатувчининг адресида ҳам «Тошкент» сўзидан олдин олти рақамли почта индексини, «Тошкент» сўзидан кейин эса алоқа бўлимининг номерини кўрсатишни унутманг.

Хатлар ва открткаларни олувчининг олти рақамли почта индексини открткага ёки конвертнинг пастки чап бурчагидаги махсус ажратилган катакларга стиллашган рақамлар билан ёзиш керак.

АЛОҚА ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПОЧТА АЛОҚАСИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТЕХНИКА БОШҚАРМАСИ.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 18/IV да **Шошма қўёш**, 19/IV **Қиёмат қарз**, 20/IVда **Ун учинчи раис.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 18/IV да **Шодлик ва лирика кечаси**, 19/IV да **Гулсара**, 20/IV да **Ишонмасанг ўланман.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 18/IV да **Мукофот